

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

“МАТБУОТ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”
КАФЕДРАСИ

УСМОНОВ ҲАСАН ТОШТЕМИРОВИЧ

**Босма ОАВда расмий ҳужжатларининг ёритилиши
ва улар мазмуни юзасидан таҳлилий муносабат
материалларини тайёрлаш муаммолари (“Халқ
сўзи”, “Ўзбекистон овози”, “Ёшлар овози”
газеталар материаллари мисолида)**

5220100 – Журналистика(фаолият турлари бўйича)

Бакалавр
даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:
ўқит. Якубова Н.Л

Тошкент - 2019

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	3-9
I БОБ. БОСМА ОАВДА РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИГА ДОИР ЁНДАШУВЛАР	
1.1. Расмий ҳужжатларни кенг жамоатчиликка етказиш.....	10-17
1.2. Расмий ҳужжатларни мазмунан ёритиш муаммолари.....	17-26
1.3. Расмий ҳужжатлар мазмуни юзасидан таҳлилий муносабат материалларини тайёрлаш.....	26-37
II БОБ. БОСМА ОАВДА РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ЁРИТИШДАГИ ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР	
2.1. Расмий ҳужжатлар ёритилиши “Халқ сўзи” газетаси материаллари мисолида.....	38-46
2.2. Расмий ҳужжатлар ёритилиши “Ўзбекистон овози” газетаси материаллари мисолида.....	46-55
2.3. Расмий ҳужжатлар ёритилиши “Ёшлар овози” газетаси материаллари мисолида.....	55-63
ХУЛОСА.....	64-67
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	68-73
ИЛОВА.	

КИРИШ

Ҳозирги кунда юртимизда фаолият олиб бораётган барча оммавий ахборот воситалари давлатимиз томонидан қабул қилинаётган расмий ҳужжатларни кенг жамоатчиликка етказишда пешқадам бўлмоқда. Айниқса, матбуотда ҳар битта расмий ҳужжат мазмуни юзасидан тайёрланаётган таҳлилий муносабат материаллари, телевидениеда акс этаётган кўрсатувлар, муносабатлар, таҳлиллар, радиода эфирга узатилаётган эшиттиришлар, интернет журналистикасидаги тезкор мулоҳазалар ва бошқа жабҳалардаги ишларни кўриш мумкин.

Бугун эса мамлакатимизни янада ривожлантириш учун ҳукулатимиз томонидан қабул қилинаётган ҳар битта расмий ҳужжатнинг келажак истиқболларини халқимизга тушунарли ва халқчил етказиш борасида оммавий ахборот воситалари олдида шарафли ва масъулиятли вазифа турибди. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари ҳар йили Оммавий ахборот воситалари куни муносабати билан биз, соҳа вакилларига йўллаган табрикларида ушбу масалага алоҳида урғу бериб, халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги, қонун, қарор ва фармонларга қатъий риоя қилишлари кераклигини таъкидлайди. Айниқса, оммавий ахборот воситалари ҳар бир расмий ҳужжатнинг ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини ёритиб боришини даврнинг ўзи талаб этапти. Бежиз тўртинчи ҳокимият, деган тушунча пайдо бўлгани йўқ. Айтиш мумкин, ҳозирги пайтда бошқа йўналишлар қатори босма оммавий ахборот воситалари ҳам бу жараёнларни кенг жамоатчиликка етказишда самарали меҳнат қилмоқда.

Мавзунинг долзарблиги. Телевидение, радио, интернет билан бир қаторда матбуот ҳам ўз олдида давлатимиз томонидан қабул қилинаётган барча расмий ҳужжатларни ёритиш ва улар мазмуни юзасидан таҳлилий муносабат материалларини тайёрлаш устида иш олиб борилмоқда. Деярли республика ва маҳаллий ҳудудларда чоп этилаётган барча босма оммавий ахборот воситалари ҳар куни қабул қилинаётган расмий ҳужжатлар матнини

ва улар юзасидан таҳлилий муносабат материалларини халқимизга етказишга хизмат қияпти. Шу жумладан, етказиш дейилганда, масалан, битта қарорнинг мазмун-моҳияти, халқчил экани, унда белгиланган вазифалар одамларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қарорда келажак истикболда қандай натижалар кутилаётганини ёритиш масаласи турибди. Бунда эса босма оммавий ахборот воситаларида фаолият олиб бораётган журналистларнинг билим-савияси, мавзунини чуқур тушуниб олганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур битирув малакавий ишида босма оммавий ахборот воситаларида расмий ҳужжатларини ёритиш ва улар мазмуни юзасидан таҳлилий муносабат материалларини тайёрлаш ҳамда қабул қилинган ҳар бир расмий ҳужжатни халқимизга мазмунли, халқчил қилиб ёритиш масалаларини атрофлича очиқ бериш мақсад қилиб қўйилган.

Битирув малакавий иши мавзусининг ўрганилганлик даражаси ва илмий янгилиги.

Юртимиз аҳолисини ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни давлат ва жамият ҳаётида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан, давлатимиз томонидан қабул қилинаётган қонунлар, Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларидан хабардор қилиш — айна бугунги кунда оммавий ахборот воситалари олдида турган муҳим вазифалардан бири саналади. Ҳозир босма оммавий ахборот воситалари ҳам бу борада салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Айниқса, гезеталарда чоп этилаётган расмий ҳужжатлар матни ва улар мазмуни юзасидан тайёрланаётган таҳлилий муносабат материалларини кўриш мумкин. Бугун эса ҳар бир қабул қилинган расмий ҳужжатнинг ёритилишини ўз вақтида амалга ошириш лозим. Чунки битта ҳужжат юзасидан муносабат материаллари тайёрланмай туриб, унинг кетидан кўплаб расмий ҳужжатлар қабул қилиниши, шубҳасиз. Шунинг учун ҳам босма оммавий ахборот воситалари ҳар бир муносабат материалини ўз вақтида берса, айна муддао бўларди.

Ушбу битирув малакавий иши босма оммавий ахборот воситаларида расмий ҳужжатларини ёритилиши ва улар мазмуни юзасидан таҳлилий муносабат материалларини тайёрлаш муаммолари ҳамда расмий ҳужжатлар ёритилиши “Халқ сўзи”, “Ўзбекистон овози”, “Ёшлар овози” газеталари мисолида кўриш ҳамда уларда берилган муносабат материалларининг таҳлилига бағишланган.

Айни пайтда эса мазкур нашрлар бу жараёнларни қандай ёритмоқда. Жумладан, ҳар битта расмий ҳужжат юзасидан тайёрланган таҳлилий муносабат материалларининг мазмун-моҳияти, мақсад-вазифалари, халқимизга тушунарли бўляптими, қабул қилинган расмий ҳужжатни ўқувчи қанчалик тушунди, англаб ета олди, деган саволлар долзарб масалалардан бири бўлиб туради. Шу маънода, амалга оширилаётган мазкур тадқиқотимиз ҳам янги ишлардан бири ҳисобланади. Университет, факультетда олган назарий билимларимиз ва босма оммавий ахборот воситаларида ўтаган амалиётимизни боғлаган ҳолда қўйилган вазифани кўнгилдагидек бажаришни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари. Мазкур тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

- босма оммавий ахборот воситаларида расмий ҳужжатлар ёритилишини кўрсатиш;
- расмий ҳужжатлар мазмуни юзасидан таҳлилий муносабат материаллари берилишини ўрганиш;
- ҳар бир расмий ҳужжат юзасидан тайёрланган материалларнинг халқчиллигини кўрсатиш;
- мазмунан ёритишда эътибор қаратиш керак бўлган жиҳатлар;
- ёритилаётган муносабат материалларида соҳа вакиллари, мутахассисларнинг иштирок этганини аниқлаш;
- битта қарор юзасидан кўплаб мавзуларда таҳлилий муносабат материалларини тайёрлаш муаммоларини кўрсатиш;

- мазмундан сўнг таҳлилга ўтиш босқичлари;
- журналистнинг кузатувчанлик қобилиятини кўрсатиш;
- таҳлилий муносабат материалларини тайёрлашда журналист маҳоратини кўрсатиш;
- расмий ҳужжатлар ёритилишини “Халқ сўзи”, “Ўзбекистон овози”, “Ёшлар овози” газеталари мисолида кўрсатиб бериш.

Шунингдек, босма оммавий ахборот воситаларида расмий ҳужжатларининг ёритилишини ҳамда улар мазмуни юзасидан тайёрланаётган таҳлилий муносабат материалларининг сифат даражасини ошириш, халқимизга ушбу ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини, мақсадини ва унда белгиланган вазифаларни етказиш ҳамда ҳужжатда қайд этилган ишлар ижросини таъминланганини таҳлилий материалларда ёритиб бориш механизминини ишга туширишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Мазкур тадқиқотнинг объекти “Халқ сўзи”, “Ўзбекистон овози”, “Ёшлар овози” газеталари бўлиб, унинг предмети ушбу нашрларда ёритилган расмий ҳужжатлар ва улар мазмуни юзасидан тайёрланилган таҳлилий муносабат материалларидир.

Унда расмий ҳужжатлар мазмуни юзасидан тайёрланаётган материалларнинг сифати ва мавзунини очиқ бериш кўлами, халқчиллиги, кенг қамровлиги қандай очиқ берилгани атрофлича таҳлил қилиб берилган. Айниқса, ушбу босма оммавий ахборот воситаларида фаолият олиб бораётган журналистлар, чет муаллифлари, турли соҳа вакиллари томонидан чоп этилган муносабат материалларининг қай йўсинда тайёрланганини очиқ беришга ҳаракат қилинди.

Ишнинг назарий-методологик асослари. Мазкур битирув малакавий ишини тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев асарлари ва соҳага оид нутқлари, Оммавий ахборот воситалари куни муносабати билан

йўллаган табриклари, Парламентга қилган мурожаатлари, шунингдек, журналистика соҳасига оид мутахассислар ва олимларнинг китобларидан, дарсликларидан, илмий мақолалардан, босма нашрларда чоп этилган материалларидан, ўқув қўлланмаларидан ҳамда кўплаб мавзуга тааллуқли адабиётлардан фойдаланилди. Булар тадқиқотимиз учун назарий ва методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Ишнинг назарий ва амалий аҳамияти бевосита унинг илмий янгилигига боғлиқ. Тадқиқот иши юзасидан олинган натижа, таклиф, тавсия ва маслаҳатлар бериш билан биргаликда, нафақат “Халқ сўзи”, “Ўзбекистон овози”, “Ёшлар овози” газеталари, балки бошқа босма оммавий ахборот воситаларида ҳам қўлланилиши тавсия этилади.

Мазкур тадқиқотимиздан келиб чиққан ҳолда, келтирилиб ўтилган муҳим тавсия ва хулосалар босма оммавий ахборот воситалари йўналишидаги ходимларга, таълим олаётган талабалар, битирув малакавий иши тайёрлаётган тадқиқотчилар учун муҳим аҳамиятга эга бўлади, деб ўйлаймиз. Битирув малакавий ишини муваффақиятли ҳимоя қилгач, унинг натижаларини илмий тўплам ёки республикаимиз илмий журналларидан бирида эълон қилиш ҳам вазифа қилиб қўйилган. Ундан ташқари Ёшлар иттифоқи Марказий кенгашидаги ёш олимлар бўлими томонидан ёш тадқиқотчилар ўртасида ўтказиладиган лойиҳалар танловига ҳам берилади. Ушбу битирув малакавий иши кейинги йилларда янада пухта ишлаб чиқилган механизм бўлиб, барча оммавий ахборот воситаларига фойдаланиш учун тарқатилади. Бу битирув малакавий иши Фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида муҳим ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишга давлат ижтимоий буюртмаларини тақдим этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди томонидан ҳар йили эълон қилинадиган танловга ҳам берилади.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Мазкур битирув

малакавий иши кириш, икки боб (биринчи боб уч фасл, иккинчи боб уч фаслни ўз ичига олган), хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Битирув малакавий ишининг кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, янгилиги, мақсад ва вазифалари, объекти ҳамда предмети, ишнинг назарий-методологик асослари, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, тузилиши ҳақидаги маълумотлар ўз аксини топган.

Битирув малакавий ишининг I боби **“БОСМА ОАВДА РАСМИЙ ХУЖЖАТЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИГА ДОИР ЁНДАШУВЛАР”** деб номланган ва унда расмий ҳужжатларни кенг жамоатчиликка етказиш, расмий ҳужжатларни мазмунан ёритиш муаммолари ва ушбу ҳужжатлар мазмуни юзасидан таҳлилий муносабат материалларини тайёрлаш муаммолари ҳақидаги фикр-мулоҳазалар батафсил ёзилган.

“БОСМА ОАВДА РАСМИЙ ХУЖЖАТЛАРНИ ЁРИТИШДАГИ ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР” деб номланган II бобда эса, биринчи бобда назарий жиҳатларга тўхталган бўлсак, мазкур бобда амалий томонларга урғу берганмиз. Жумладан, “Халқ сўзи”, “Ўзбекистон овози”, “Ёшлар овози” газеталарида бугунги кунда расмий ҳужжатлар билан боғлиқ бўлган ёндашувларни таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Масалан, Президентимиз томонидан қабул қилинган қарор ёки фармон матни берилади. Ва, албатта, ушбу ҳужжатга муносабат билдириш керак. Айниқса, халқимизни бу ҳужжатдан хабардор этиб, унинг мазмун-моҳиятини, келажак истиқболларини тушунтириб беришимиз керак бўлади. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда босма оммавий ахборот воситаларининг бу борада олиб бораётган ишларини таҳлил қилиб бердик.

Ишнинг **хулоса** қисмида тадқиқот ишимизнинг ўрганилганлик даражасидан келиб чиқиб, бугунги кунда босма оммавий ахборот воситаларида ёритилаётган расмий ҳужжатлардаги ёндашувлар ҳамда мазмунан, халқчил ёритиш, таҳлилий муносабат материалларини

тайёрлашдаги маълум хулосаларга келинган. Яъни, босма оммавий ахборот воситаларининг ҳозирги ҳолати ва фаолияти, маҳорати борасида эришган ютуқлари, камчиликлари, расмий ҳужжатларни янада мазмунли, халқчил ва кенг жамоатчиликка етказишда яна қандай жиҳатларга кўпроқ эътибор бериши лозимлиги борасидаги тавсия, маслаҳатлар ўз ифодасини топган.

I БОБ. БОСМА ОАВДА РАСМИЙ ХУЖЖАТЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИГА ДОИР ЁНДАШУВЛАР

1.1. Расмий ҳужжатларни кенг жамоатчиликка етказиш

Юртимизда қабул қилинаётган ҳар битта расмий ҳужжат мамлакатимиз ривожига учун хизмат қилади. Унда давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ҳамда халқ фаровонлиги учун турли соҳаларни янада жадаллик билан ривожланишига қаратилган кўплаб жихатлар инобатга олинган. Бу ҳужжатларнинг ортида эса халқ манфаати, Ватан равнақи ҳамда ўз келажагимизни ўзимиз қуришимиз кераклиги ҳақидаги вазифалар туради.

Президентимиз маърузаларининг бирида шундай деган эди: “Ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказган – шу халқ. Барчамизга туз-насиба берган ҳам – шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ. Шундай экан, биз биринчи навбатда ким билан мулоқот қилишимиз керак – одамларимиз билан. Ким билан бамаслаҳат иш тутишимиз керак – аввало халқимиз билан. Шунда халқимиз биздан рози бўлади. Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади. Халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади”¹.

Албатта, қабул қилинаётган ва ишлаб чиқиляётган расмий ҳужжатларнинг барчасида халқимиз турмуш тарзини яхшилашга қаратилган устувор вазифалар белгиланган. Буларни инобатга олмай туриб, ҳеч бир ишни амалга ошириб бўлмайди. Бугунги шиддат билан ўтиб бораётган бир даврда эса бошқа ривожланган давлатлар қаторида бўлиш ҳамда мамлакат ичидаги барча соҳаларни янгилашда қабул қилинаётган ҳужжатларнинг юртимиз истиқболидаги тутган ўрни муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармон ва

¹Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.

– Т.:Ўзбекистон, 2017. 151-бет.

қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа расмий ҳужжатлар ўзидан қабул қилинмайди ёки имзоланмайди. Ушбу ҳужжатларнинг ишлаб чиқишида давлат ва жамият вакиллари иштирок этади. Турли соҳаларда вужудга келаётган муаммолар юзасидан ҳукуматга фуқароларнинг мурожаатлари келиб тушади. Айнан шу жараёнлар билан боғлиқ бўлган муаммоларни ўрганиш ҳамда тегишли идораларга етказишда босма оммавий ахборот воситалари етакчилик қилади.

Агар эътибор бериб қарайдиган бўлсак, битта босма нашрда йил давомида бирор-бир соҳада вужудга келаётган камчиликлар, жамиятни орқага тортувчи муаммолар ва бошланғич иллатнинг илдизи тўғрисида кўплаб материаллар тайёрланади. Хўш, бу жараёнларнинг ичида кўпроқ ким иштирок этади? Албатта, журналист. Ишлаб чиқиладиган ва кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этиладиган расмий ҳужжатлар қабул қилинишида ҳам айнан унинг вазифаси халқ тилидаги ва дилидаги фикрларини босма нашрлар орқали ҳукуматга етказиши керак.

Оммавий ахборот воситалари ичида ўзининг тили, услуби ва таъсир кучи билан ажралиб турадиган йўналишлардан бири матбуотдир. Айни дамда унинг функцияси муҳим аҳамият касб этади. Доцент Юсуф Ҳамдамов таъкидлаганидек: “Матбуот ҳар бир давр, замонда ҳам жамоатчилик фикрини ифодалаб келган ва у маълум даврнинг кўзгуси ҳисобланган”².

Бугуни кунда фуқароларнинг таклиф ва мурожаатларини тезкорлик билан етказишда юртимизнинг ҳар бир ҳудудида Халқ қабулхоналари, электрон ҳукумат тизими, расмий идорлар билан боғланиш ҳамда муаммоларни ўз вақтида ҳал этишнинг замонавий механизмлари ишга тушди. Бу жараёнларни ҳам босма нашрлар ёритиб бормоқда. Ёритиш дейилганда эса янгича ёндашув муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир даврда давлатнинг расмий ҳужжатларини аҳолига етказувчи

² Ҳамдамов Ю. Тараққиёт мезони. – Т.: Ўзбекистон, 2013. 3-бет.

воситалардан фойдаланилган. Бу воситаларга кўлёзма варақлар, турли хил тарқатмалар киради. Айнан улар орқали илк матбуот куртакларининг пайдо бўлишини ҳам кўриш мумкин. Бундай йўналишдаги ишлар дастлабки қадамлардан бири бўлиб, шу зайдда одамлар ўртасида фикр алмашиш, ўзлари яшаб турган маконда содир бўлаётган воқеа-ходисалар билан боғлиқ бўлади. Шунни айтиш керакки, бу билан ҳозирги кундаги кашфиётларни назарда тутиш мумкин.

Жаҳон журналистикаси тарихи китобида келтирилишича: “Уйғониш даврида Германияда “Lyuter” деб номланган ва фанда “учар варақлар” атамаси билан машҳур бўлган кўлёзма янгиликлар варақалари ниҳоятда кенг тарқалган. Қизиқарли жиҳати шундаки, уларнинг баъзилари босмаҳона эгалари томонидан чоп этиш ускунасида кўпайтирилиб, ярмаркалар (бозор жойлари)да тарқатиларди”³.

Демак, тарихдан ҳам билиш мумкинки, давлат томонидан қабул қилинаётган ҳар битта расмий ҳужжат билан шу заминда яшаётган фуқаролар хабардор бўлиши керак. Босма оммавий ахборот воситалари расмий ҳужжатлар матнини тўлиқ беришлари ҳамда унинг ижросини доимий равишда кузатиб боришлари муҳим. Аҳолига бундай маълумотлар тезкорлик билан етиб бориши учун энг аввало, юртимизда барча шароитлар яратилган бўлиши лозим. Жумладан, босма нашрлар кўп нусхада чоп этилса, айти мудао бўларди. Аммо ҳали ҳам бундай муаммоларнинг ҳал этилмаётгани давлат ва жамият ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлай олмайди. Яъни, юқори қатлам ўз мақсад-вазифаларини қуйи қатлам вакилларига етказиб беришда турли хил муаммоларга дуч келиши аниқ. Бу борадаги ишларни эса умуман, кечиктириб бўлмайди.

Ҳозирда босма оммавий ахборот воситалари расмий ҳужжатларни

³ Мўминов Ф, Нурматов А. Жаҳон журналистикаси тарихи. – Т.:Фан ва технология, 2008. 146, 147-бетлар.

ёритаётган вақтда айнан ушбу ҳужжатда нималар кўзда тутилгани ҳақида кенгроқ маълумот беришлари керак бўлади. Давлат ва жамият ҳаётида туп бурилиш ясаши, инсонлар манфаатига хизмат қилиши тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларни киритиш мумкин. Қолаверса, келажак авлод учун унинг нечоғлиқ аҳамиятли эканини тушунтириш муҳим.

Босма нашрларда берилган расмий ҳужжатлар келажаги, бугуни ҳамда эртаси ҳақида кенг жамоатчиликка батафсил тушунтиришда малакали ва тажрибага эга, билимли журналистларнинг ўрни катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда матбуотда фаолият олиб бораётган мутахассислар ниҳоятда сиёсий хушёр ва кенг фикрлайдиган бўлиши лозим. Чунки бугунги техника ва янги инновацион ёндашувлар ривожланган бир даврда оддий ва содда, мужмал сўзлар билан нафақат жамият вакиллари айна дамда ўзимизни ҳам алдай олмаймиз. Бунга замоннинг ўзи ҳам йўл қўймайди.

Журналист Абдували Сайибназоров айтганидек: “Бугун ҳаётда, одамларнинг турмуш тарзию ўй-фикрида юз бераётган ўзгаришлар шиддати ҳар бир кишидан жамият ҳаётида фаол, ҳаракатчан бўлишни тақозо этмоқда. Ҳаёт муттасил ўзгариб бормоқда. Янгиликлар, ўзгаришлар оқими ичида яшамокдамиз”⁴.

Мамлакат ижтимоий ҳамда сиёсий ҳаётидаги ўзгаришлар билан ҳар ким ҳар куни хабардор бўлиши лозим. Дейлик, бугун Президентимиз томонидан битта қарор қабул қилинди. Албатта, унинг оммавий ахборот воситаларида ёритилгани ҳақида алоҳида таъкидланади. Бунга эса ким, қандай, ёндашади. Менимча, биргина шу қарорни тўлақонли, маълум бир категориялар асосида ёритиш бўйича журналистлар ўртасида ҳам танловлар ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Бирор-бир ҳужжат қабул қилиндими, албатта, унинг тагида чуқур

⁴ Сайибназоров А. Бугунга қўчаётган келажак. – Т.:Тафаккур, 2015. 3-б.

фалсафий моҳият, камолот чўққисига эришиш борасидаги мулоҳазалар ётади. Ана ўша мазмундорликни етказиш керак бўлади. Масалан, тиббиёт соҳасида битта қарор қабул қилинди, дейлик, ушбу қарорнинг ишлаб чиқилишида ҳам қандайдир рамзий маъно бор. Шу ҳужжат тагида бутун бир халқнинг орзу-умидлари, неча йиллардан буён ишонч билан кутаётган армонлари бўлиши мумкин-ку. Айнан босма нашларда шундай жиҳатларга ҳам эътибор қаратиш лозим.

Биргина қабул қилинган ҳужжат кўплаб нарсаларни, керак бўлса, инсонларнинг турмуш тарзига ҳам таъсир этиши мумкин. Бунинг ёрқин мисолини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Ёши улуғлар бизга ҳар доим: “Шукроналик ҳисси билан яшанглар”, дея таъкидлайди. Агар битта соҳада амалга оширилган ишлар хусусида гаплашиб қолсак, бугунги кунда қабул қилинган расмий ҳужжатларнинг кучи ва унинг тагида халқ манфаати, юрт ривожига учун нечоғлиқ муҳим бўлган маънолар ётгани ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Шукроналик ҳиссини ким ич-ичидан сеза олади? Албатта, унинг машаққатини, синовларини кўрган инсонлар. Ўз юртидаги ҳар битта ўзгаришларга, воқеа-ҳодисаларга бефарқ қараб турмайдиган кишилар-да. Бугун бир ҳужжат қабул қилинса-да, мамлакат фуқаролари унинг замирида қандай моҳият, мазмун ва келажак авлод учун муҳим бўлган нозик хилқатлар борлигини англай олмаса, ачинарли ҳол-ку. Босма оммавий ахборот воситаларида ҳам худди шу жиҳатларга эътибор қаратилса, айтиш муддао бўларди. Айниқса, журналистлар материалларида кўпроқ акс этиши ўринли. Юртимизда яшаётган ҳар битта фуқарога расмий ҳужжатларнинг ғоявий тушунчасини сингдириш керак. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек: “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт”⁵.

⁵ Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир. — Т.: Ўзбекистон, 2015. 233-бет.

Давлат ва жамият ривожини учун қабул қилинган расмий ҳужжатларда акс эттирилган мақсад ва вазифалар, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг бу жараёнга аралашуви ҳамда биргаликда амалга оширилган ишлар ўз натижасини беради. Фақатгина бунга масъуллар сидқидилдан, адолат мезонларини унутмаган ҳолда хизмат қилса бўлгани.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Конституциямизнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида расмий ҳужжатлар тўғрисида алоҳида тўхталиб, шундай фикрларни айтган эди: “Президент девони ва Вазирлар Маҳкамаси ижро аппарати фаолиятини такомиллаштиришга, қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорлар самарали амалга оширилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратамиз”⁶.

Қабул қилинган расмий ҳужжатлар юзасидан алоҳида текширувлар олиб борилиши, уларнинг қай даражада таъминлангани ҳамда амалга ошириш механизмларидаги босқичларда қандай натижалар, ўзгаришлар борлигини доимий равишда босма оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда бериб бориш керак. Агар ҳужжатда белгиланган вазифалар узоқ муддатни ташкил этса, бу дегани назоратсиз қолиши мумкин дегани эмас. Шу боис амалга оширилаётган ишлар натижаси хусусида кенг жамоатчиликни хабардор қилиб туриш муҳим.

Бир йил мобайнида турли соҳаларни ривожлантириш бўйича кўплаб ҳужжатлар қабул қилинади. Ҳаттоки бир соҳанинг ўзида, бир йил ичида ўнлаб фармон, қарор ва бошқа ҳужжатлар ишлаб чиқилади. Ушбу ҳужжатлар доирасида кўплаб вазифалар белгиланиб, ҳар бирига мамлакат бюджетидан маблағ ажратилади. Мана шу жойнинг ўзида савол туғилади. Давлат томонидан ажратилаётган маблағлар қаерга сарфланяпти?

Яна бир муҳим масалалардан бири – бу фуқароларнинг ўз ҳақ-

⁶ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 120-бет.

хуқуқларини билмасликларида. Ўзлари қизиқмайдими ёки юртимизда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситаларини мунтазам кузатиб бормайдими? Аҳолида ҳуқуқий онг ва тафаккурни шакллантириш борасидаги ишларни олиб бориш лозим.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ҳам бу борада шундай фикрларни билдирган: “Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ. Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимининг етуклик кўрсаткичидир”⁷.

Бирор-бир ҳужжат қабул қилинишидан олдин, халқ муҳокамасига қўйилади. Қолаверса, билдирилган фикрлар инобатга олинади. Айнан қайсидир соҳага тегишли ҳужжат бўлса, энг аввало, унинг хизмат қилиш объекти инсон манфаатларига йўналтирилади. Журналист мана шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда, юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшиши керак.

Фуқаролик жамиятини ташкил этиш борасида билдирилган қуйидаги фикрлар ҳам аҳамиятли: “Фуқаролик жамиятини бунёд этиш – узок ҳамда мураккаб жараён ва у сиёсий барқарорлик, иқтисодий ўсиш, журналистларнинг қизғин фаолияти, нодавлат нотижорат ташкилотларининг нуфузи ва фаолияти кўлами кучайиши билан бевосита боғлиқ”⁸.

Расмий ҳужжатларни ёритишда мана шу икки жиҳатга эътибор берган ҳолда иш тутиш лозим. Ҳуқуқий саводхонлик шаклланган кишида фуқаролик жамиятига ўтиш босқичи бошланади.

Халқимизни янгиликлардан хабардор этиш, юртимизда қабул қилинаётган расмий ҳужжатлар билан таништиришда телевидение, радио,

⁷ Каримов И.А. Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузасидан. www.uza.uz, 2010 йил 12 ноябрь.

⁸ Нестеренко Ф, Маматова Я. Ҳуқуқий журналистика: кеча ва бугун. – Т.: Университет, 2011. 9-бет.

интернет сайтларидан ташқари босма нашрлар ҳам самарали фаолият олиб боряпти. Айниқса, бу жараёнларни матбуот саҳифаларида доимий равишда қабул қилинган ҳужжатлар тўғрисида кунора чоп этилаётган материаллар мисолида кўриш мумкин.

Шиддат билан ривожланиб бораётган бир даврда янгича ёндашувларга ўтишни замон талаб этапти. Бугун журналист иккита муаммога дуч келдимиз, шу жойнинг ўзида ечим топишига тўғри келяпти. Ўрганиш жараёнида эса, албатта, юртимизда қабул қилинган қайсидир ҳужжатнинг бандлари бузилганига гувоҳ бўлади. Шу нуқтаи назардан, журналистлар олдида ҳам муҳим ва масъулиятли вазифалар турганини унутмаслик керак.

Юртбошимиз ҳар йили 27 июнь Оммавий ахборот воситалари куни муносабати билан соҳа вакилларига қуйидаги жумлаларни таъкидлаб келади: “Ҳаётимиздаги мавжуд муаммоларни, жойларда ташкил этилган Президентнинг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонада аҳоли томонидан кўтарилаётган ўткир ва долзарб масалаларни, уларнинг сабаб ва омилларини очиб бериш, жамиятимизда танқид ва ўзини ўзи танқид қилиш руҳини кучайтириш, афсуски, оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳали тўла ўз ифодасини топгани йўқ”⁹.

Қайсидир муаммога дуч келманг, албатта, битта ҳужжат билан боғлиқ. Мурожаат қилган киши ўша ҳужжат билан яқиндан танишмаган. Бугуннинг журналисти фаолиятида жамиятдаги ушбу муаммоларни долзарб санаб, одамларга қабул қилинаётган ҳужжатларни нечоғлиқ аҳамиятли эканини тушунтиришдан иборат.

1.2. Расмий ҳужжатларни мазмунан ёритиш муаммолари

Бугун юртимиздаги босма оммавий ахборот воситалари ўз олдида

⁹ Мирзиёев Ш.М. Матбуот ва ОАВ лари ходимларига йўллаган табриги. www.uza.uz, 2017 йил. 27 июнь.

кўплаб вазифаларни қўйиб, кечаю кундуз давлат ва жамиятимиз учун муҳим бўлган янгиликларни кенг жамоатчиликка етказиш борасида хизмат қилмоқда. Эътибор бериб қарайдиган бўлсак, босма нашрларнинг ҳаммасида юртимиз ижтимоий ва сиёсий ҳаётига тааллуқли бўлган кўплаб расмий ҳужжатларнинг матни бериб борилади. Бундан кўзланган мақсад ҳам мамлакат аҳолисини қабул қилинаётган ҳужжатлар билан таништиришдан иборат.

Қабул қилинган расмий ҳужжатлар матни босма оммавий ахборот воситаларида чоп этилганидан сўнг, кейинги вазифалардан бири — бу ўша ҳужжатнинг мазмуни, яъни халқчил ёритилиши билан боғлиқ. Кўплаб босма нашрларда матн берилиб, мазмун эса унутилади. Мана шу икки тушунча бири-бири билан доимо чамбарчас боғлиқ бўлиши лозим. Халқчил ёритиш эса журналистдан катта маҳоратни талаб этади. Мухтор Худойкуловнинг “Журналистика ва публицистика” китобида журналистлар оммага расмий ҳужжатларни етказиши борасида шундай дейилади: “Халқчиллик тамойили ҳар бир журналистдан, публицистдан, ҳар бир ижодкордан ўзининг бутун ижоди, қалб қўрини халққа бағишлашни, бутун умр халққа хизмат қилишни талаб этади. Ҳар бир қалам соҳиби ўз асарларида халқнинг ҳаёти, меҳнати, ташвиши, қувончи, фикр-ўйи, орзу-умидларини кенг, ҳаққоний тасвирлаши лозим”¹⁰.

Шундай ҳолатлар бўладики, бирор-бир соҳага тегишли ҳужжат қабул қилинса, бошқалар тушунмайдиган терминлар ёки англаш қийин бўлган жиҳатлар бўлиши табиий. Шунинг учун ҳам журналистлар қабул қилинган ҳужжат билан тўлиқ ва батафсил танишган бўлиши ва босма нашрларда расмий ҳужжат матни берилганидан сўнг унинг мазмундорлиги ҳамда халқчил ёритилишини таъминлаши керак бўлади.

¹⁰ Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. — Т.: Тафаккур, 2011. 46-бет.

Босма оммавий ахборот воситаларида чоп этилаётган материаллар ўқувчига тушунарли, иложи борида содда, тез англаб олиши учун қулай бўлгани маъқул. Аксарият ҳолларда эса босма нашларда чоп этилган материаллар ўқувчига мураккаб, узундан-узоқ жумлалар орқали етказилади. Масалан, илмий бўлса, илмий ҳолида, расмий бўлса расмий ҳолида қабул қилиниши таъкидланади. Аммо мана шу ернинг ўзида кенг оммага етказилиши керак бўлган бир эзгу ғоянинг асл моҳияти очиқ берилмай қолиши мумкин.

Расмий ҳужжатларнинг асл нусхаси берилиши яхши, ундан кейинги жараён эса ушбу ҳужжатнинг тушунтириш ишларига ва ёритилиши билан боғлиқ. Айнан шу хусусида “Оммавий ахборотнинг тили ва услуби” китобида шундай дейилган: “Газета тил воситаларининг ишлатилиши у ёки бу материалнинг қандай аудиторияга мўлжаллангани билан ҳам боғлиқ. Чунончи, мутахассислар, фан ва техника кишилари учун мўлжалланган айрим материаллар тили илмий нутқ унсурларининг, терминологик лексиканинг кўпроқ ишлатилиши билан бошқаларидан ажралиб туриши мумкин. Бундай ҳолларда газета рубрикалари алоҳида роль ўйнайди: у материалнинг кимларга мўлжалланганини кўрсатиш вазифасини ҳам бажаради. Ҳар қандай ҳолатлардан қатъи назар, газета тили оммабоп, ҳаммабоп, тушунарли бўлиши лозим”.¹¹

Расмий ҳужжатларни оммага етказишда мана шу жиҳатларга эътибор қаратилиш зарур. Кўплаб расмий ҳужжатларни ёритишдаги муҳим вазифалардан бири — бу мазмун-моҳиятга эътибор қаратиш. Ҳужжат матни билан кенг жамоатчиликни таништиргандан кейинги босқич, албатта, расмий ҳужжатнинг мазмунини батафсил етказишдан иборат бўлади. Мазмун дейилганда чуқур ёндашиш, мавзу кўламининг ичига кирган ҳолда ўз тушунчаларини билдириш аниқланади.

¹¹ Тошалиев И, Абдусатторов Р. Оммавий ахборотнинг тили ва услуби. — Т.:Зар қалам, 2006. 97-бет.

Назира Абдуазизова ўзининг “Мустақил Ўзбекистон журналистикаси тарихи” китобида мазмун билан боғлиқ фикрларини шундай баён этади: “Оммавий ахборот воситалари бирон-бир мафкуранинг бунёдкори ёки яратувчиси эмас, балки тарқатувчиси саналади. Шу тариқа оммавий ахборот воситалари жамият ва давлат ўртасида ахборот етказувчи воситачи вазифасини бажариши, бир томондан, давлат механизмида юз бераётган жараёнлар ҳақида аҳолини хабардор этиши, иккинчи томондан, жамоатчилик фикрини мос даражада акс эттириши лозим. Демак, демократик жамиятда ахборот воситалари вазифаларининг мазмуни ушбу воситалар муассисларининг жамият сиёсий тизимидаги ўрни билан белгиланади. Иш усуллари, фаолият шакллари нуқтаъи назаридан, оммавий ахборот воситалари ахборот излаш, олиш ва тарқатиш билан шуғулланади”¹².

Бундан кўриниб турибдики, жамият аъзоларига давлат томонидан қабул қилинган ҳужжатларни етказишда фақат матн билан чекланмаслик лозим. Мазмун жиҳатидан ҳам эътибор қаратилса, ўша расмий ҳужжатдаги моҳиятни жамиятга етказа олса, катта бир ютуққа эришилган бўлади. Негаки, мазмундорлик камайган ишда унум бўлмайди. Ундаги белгиланган вазифалар ҳам тўлиқ англаб етилмагани учун кўнгилдагидек бажарилмайди. Умуман олганда, юртимиздаги кўпчилик босма оммавий ахборот воситалари расмий ҳужжатларни ёритишда фақат матн билан чекланыпти холос. Битта қонун ёки фармон берилдими, бўлди, шу билан унинг мазмуний ёритилишидаги жиҳатлар унутилгандек, гўё. Лекин таҳририятларга бирор-бир фуқародан мурожаат келиб тушса, албатта, ўтган ҳужжатда белгиланган вазифаларга қайтишга тўғри келади. Босма ОАВ ходимлари расмий ҳужжатнинг мағзини чақмаган бўлса, мурожаат қилган фуқарога ҳам аниқ жавоб бера олмайди. Баъзи ҳолларда эса бунинг тескарисини кўриш мумкин. Масалан, мазмунан бераман деб, яна ўша фармон ёки қарорнинг ўзини

¹² Абдуазизова Н. Мустақил Ўзбекистон журналистикаси тарихи. — Т.: Академия, 2007. 334-бет.

хужжатдан кўчириб босиш ҳолатлари кузатилмоқда. Ҳаттоки, қисмларга бўлиб, кенгроқ ёритаман, дея хатога йўл қўяётган нашрлар талайгина. Худди газета саҳифалари тўлса бўлди, деган қабилда иш тутаётгандек.

Сиёсий партиялар нашрларидан бири бўлган “Миллий тикланиш” газетасининг 2019 йил 9 январдаги 1-сонининг биринчи ҳамда иккинчи саҳифаларида муаллиф Илҳом Ражабовнинг “Муносабат рукни” остида берилган “Туризм ривожини янги босқичга кўтарилади” сарлавҳали мақоласида юқорида таъкидлаган сўзимизнинг мисолини кўришимиз мумкин. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 5 январда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони юзасидан материал тайёрланган. Фармонда қандай бўлса, шундайлигича кўчирилиб қўйилган. Масалан: “Туризм инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда мақбул ва қулай туризм муҳитини яратиш...”¹³.

Агар ушбу нашрда чоп этилган материал билан қабул қилинган фармон матнини олиб солиштирсангиз, деярли фарқлай олмайсиз. Ҳамма фикрлар бир хил. Бугун шиддат билан ривожланиб бораётган бир даврда инсонлар онгу тафаккурига ҳар бир расмий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини ва қанчалик ижтимоий ва сиёсий жабҳаларда муҳим эканини тушунтириш, бу йўлда эса, энг аввало, ҳам мазмун томондан, ҳам ҳуқуқий саводхонликни ўстириш орқали ижобий ўзгаришларга эришиш мумкин.

Фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги, қабул қилинган ҳар битта қонун-қоидага риоя қилиши ҳамда босма оммавий ахборот воситаларининг бу жараёнларни ёритишида эътибор қаратадиган жиҳатлари кўп. Буларга амал қилинса ижобий ўзгаришларга эришилади. Қуйидаги муҳим вазифаларни айтиш жоиз:

¹³ Ражабов И. Туризм ривожини янги босқичга кўтарилади//Миллий тикланиш, 2019 йил 9 январь.

- босма нашрларда фаолият олиб бораётган ходимлар сиёсий ва ижтимоий жараёнларда ўта ҳушёр бўлиши;
- юртимизда қабул қилинаётган ҳар битта расмий ҳужжатнинг ишлаб чиқишида қатнашиши ва фуқароларнинг мурожаатларини ўрганган ҳолда уларнинг манфаатларидан келиб чиқиб, қўшимча таклифларини айтиши;
- қабул қилинган ҳужжатларнинг моҳиятини англаган ҳолда кенг жамоатчиликка етказишда фаол бўлиш;
- ҳужжатда белгиланган вазифалар ҳамда амалга оширилиши керак бўлган ишлар устидан назоратни ўрнатиши;
- қабул қилинган ҳужжат фуқаролар ҳаётида қандай ўзгаришларни, имкониятларни яратишини ва унинг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиқ бериши лозим.

Журналист Абдували Сайбназаров бу борада тўхталиб шундай дейди: “Ҳар бир фуқаро ўзининг, оиласининг тақдири ва эртанги куни учун ривожланиш йўлимизда ғов бўлиб турган тўсиқларга қарши қатъий кураш олиб бориши керак”¹⁴. Бу йўлда ҳаракат қилишни эса кечиктириб бўлмайди. Ҳозирги кунда юртимизда 23 та вазирлик ва кўплаб давлат қўмиталари, нуфузли ташкилотлар фаолият олиб бормоқда. Дейлик, бугун бир қарор қабул қилиндими, албатта, ундаги белгиланган вазифалар ҳар битта давлат ва но давлат ташкилотларни бефарқ қолдирмайди. Уларнинг олдида жамиятни ривожлантиришдаги муҳим топшириқлар ҳамда вазифалар белгиланади. Эътибор бериб қарайдиган бўлсак, ушбу ташкилотларда ҳам журналистлар матбуот ва ахборот хизматларида фаолият олиб бормоқда. Ўзларига тегишли расмий ҳужжат қабул қилинса, албатта, кенг жамоатчиликни, оммавий ахборот воситаларини чақириб, бу ҳужжатнинг вазифаси ва амалга ошириладиган ишлар хусусида маълумот беради.

Вазирлик ва идоралар йил бошида қабул қилинган расмий

¹⁴ Сайбназаров А. Бугунга кўчаётган келажак. — Т.: Тафаккур, 2015. 80-бет.

хужжатлар юзасидан матбуот анжумани ўтказиб, тизимда амалга оширилиши керак бўлган ишлар ва белгиланган вазифалар, йил охирида эса натижалар сарҳисоби бўйича матбуот конференцияларини доимий равишда ўтказди. Матбуот конференцияси: “Муҳим ходиса, воқеалар, муаммолар хусусидаги оммавий интервью. Мухбирлар суҳбатдошга олдиндан саволларни ёзма равишда узатади. Суҳбат давомида оғзаки саволлар ҳам берилиши мумкин. Одатда бундай суҳбат давлат ва жамоат арбоблари, сиёсатчи ва бошқа фаоллар билан ўтказилади”¹⁵.

Қайсидир ташкилот ёки давлат идораларига тегишли расмий хужжат қабул қилинса, ўша вазирлик ходимлари томонидан кўплаб тадбирлар олиб борилади. Уларда асосан қабул қилинган хужжатнинг мазмун-моҳияти, ишлаб чиқиш механизми, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда тадбиқ этилиши каби мулоҳазалар юритилади. Йил якунида эса ушбу хужжатнинг ижроси таъминланиши борасида амалга оширилган ишларга тўхталиб, кенг жамоатчиликка ҳисобот, маълумотлар берилади. Малакали, тажрибали журналистлар доимо қабул қилинган расмий хужжатларнинг мазмунини ёритишда фақат битта босма оммавий ахборот воситалари орқали қилган чиқишида эмас, аксинча, кўплаб, керак бўлса, юзлаб материаллари орқали ўша муҳим хужжатнинг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилади. Ўқувчи ҳам журналистнинг чиқишларини мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида кузатиб боради. Ана шундай кўплаб маълумотларни кенг жамоатчиликка узатаётган ҳар битта хужжат юзасидан ўқувчиларда савол туғилмаслиги табиий. Негаки, материалларда кетма-кетлик сақланган ҳолда бир-бирини инкор этмасдан, балки янги информацияларни бера олиши билан аҳамиятли.

Бугунги кенг ахборот замонида одамларни битта хабар ёки тўлиқ очиб берилмаган маълумот билан тўйинтириб бўлмайди. Агар биз ҳам битта

¹⁵ Луғат — маълумотнома. Журналистика, реклама, паблик рилейшнз. — Т.:Зар қалам, 2003. 130-131-бетлар.

хужжат юзасидан чоп этилган материални ўқиб қолсак, албатта, унинг давомини излашга ҳаракат қиламиз. Аммо маълумот шу жойда тўхтаган бўлса, демак, изланишлар натижаси самарали кечмаганини пайқаш мумкин. Бу борада эса, “Тараққиёт мезони” китобида шундай дейилган: “Журналистика ижтимоий ҳаётни акс эттиришдек муҳим вазифани бажарар экан, унинг функцияларидан бири — маълумот етказиш функцияси ҳам асосий мақсадни амалга оширишга йўналтирилган. Одатда, журналист газетага бирон-бир мақола тайёрлаб, уни чоп этиш учун ишни маълум объектдан факт ва далиллар йиғишдан бошлайди. У керакли маълумотларни жамлаб, уларни ишлаб, мақола шаклига келтиргач, ўқувчиларга етказди. Бу муҳим вазифа бошқа мамлакатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам ўзига хос тарзда амалга оширилади. Омманинг ҳар куни янги хабар, маълумотлар олишга эҳтиёжи юксак даражада”¹⁶.

Ҳозирги кунда босма оммавий ахборот воситалари юртимизда қабул қилинаётган расмий хужжатларни ёритишда фаол бўлмоқда. Бугун бир қарорнинг матни ва унга тегишли бўлган маълумотларни бериш билан биргаликда кўплаб материаллар тайёрланяпти. Лекин босма нашрлар ҳажми ва чоп этиш саналари юзасидан қабул қилинаётган бошқа хужжатларни ёритишдаги иштироки пасаймоқда. Бунга сабаб эса ҳажм жиҳатга боғлиқ бўляпти. Оммавий ахборот воситалари ичида янги асрнинг кашфиёти бўлган интернетнинг пайдо бўлиши бу саволларга ўрин қолдирмади. Барча босма оммавий ахборот воситаларининг интернет сайтлари бўлишини замон талаб этмоқда.

Юқорида битта хужжат юзасидан юзлаб материаллар тайёрлаш мумкин, дедик. Агар босма нашрларда ҳажм ва чоп этиш саналари узоқ муддатни ташкил этаётган бўлса, унда газета ва журналларнинг интернет

¹⁶ Ҳамдамов Ю. Тараққиёт мезони. — Т.: Ўзбекистон, 2013. 41-бет.

сайтларидан кенгрок фойдаланиш керак. Интернет ҳажми ҳам, вақти ҳам кутиб ўтирмайди. Бойўғи бир сониянинг ўзида ахбороти минглаб одамларга етказди. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан чоп этилган “Миллий интернет-журналистикасини ривожлантиришнинг долзарб масалалари”га бағишланган рисолада бу борада шундай тўхталиб ўтилган: “Бугун миллий интернет сегментида журналистиканинг барча кўринишлари — матбуот, ТВ, радио ўз аксини топган. Шу билан биргаликда, ОАВ веб-сайтларида янги журналистик жанрлар, ахборот узатишнинг янги усуллари шаклланмоқда. Бу шароитда журналистлар фаолиятига ҳам ўзгача талаблар қўйилмоқда. Шундай экан, миллий медиамакон ривожда замонавий ахборот технологиялари билан ишлай олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга”¹⁷.

Ривожланган хорижий мамлакатларда бугунги кунда интернет журналистикаси жадаллик билан ривожланиб борапти. Айниқса, уларнинг ёрқин мисолини босма оммавий ахборот воситаларида ҳам кўришимиз мумкин. Қабул қилинган бирор-бир расмий ҳужжат юзасидан минглаб таҳлилий, танқидий материалларнинг салмоғи юқори даражада. Агар қайсидир вазирлик ёки идорада расмий ҳужжатлар юзасидан амалга ошириладиган ишларнинг муҳлати ёки умуман бажарилмаётгани ҳақидаги маълумотлар берилса, давлат ва жамият аъзоларини ҳушёрликка чақиришга эришилади.

Журналистика ва публицистика китобида янги давр кашфиёти бўлган интернет ва унинг жамият учун нечоғлиқ аҳамиятли экани ҳақида шундай дейилади: “Интернет ҳам бошқа оммавий ахборот воситалари сингари ижтимоий ҳаётни акс эттиради, уни билади, тадқиқ қилади ва унга қайтадан

¹⁷ Мирсоатова М. Интернет-журналистика ва анъанавий ОАВ ҳамкорлиги. — Т.:Олимпия умидлари спорт клуби, 2014. 48-бет.

таъсир кўрсатади. Бинобарин, интернет ҳам матбуот функцияларини бажаради, яъни у аввало ҳаётни тасвирлайди, хабар беради, ижтимоий ҳаёт воқеа ва ҳодисаларини таҳлил қилади, шу билан биргаликда, инсонлар онгига ўз таъсирини кўрсатади. Интернет газета, журнал, радио, телевидениедан ҳаётни ёритишдаги серкўламлиги, камрови, тезкорлиги билан ажралиб туради”¹⁸.

Босма оммавий ахборот воситаларининг интернет сайтлари, ижтимоий тармоқларда каналлари бўлишини ҳам бугун даврнинг ўзи кўрсатиб қўймоқда. Жаҳондаги барча инсонлар янги даврнинг кашфиётидан фойдаланаётган экан, дунёнинг қайси бир чеккасида бўлишидан қатъи назар, ахборот узатиш вазифасига эга. Қолаверса, бошқа давлатларнинг расмий ҳужжатлари босма оммавий ахборот воситаларида қандай ёритилаётганига ҳам баҳо бериши ёки бошқаларни бундан хабардор этиши мумкин.

1.3. Расмий ҳужжатлар мазмуни юзасидан таҳлилий муносабат материалларини тайёрлаш

Бугун ҳар битта жабҳада таҳлил, танқид, янгича ёндашувни замон талаб этипти. Нафақат давлат идоралари, балки юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро ҳам ўзини ўзи таҳлил қила олиши керак. Кундалик турмуш тарзида белгиланган вазифаларини қай даражада бажара олаётганини мунтазам равишда текшириб бориши муҳим. Мамлакатимиз ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги туб ўзгаришларни, қабул қилинаётган расмий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини англаб етиши лозим.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузаларининг бирида шундай фикрларни илгари сурганди: “Қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказишда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларида битта-иккита мақола ёки

¹⁸ Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. — Т.:Тафаккур, 2011. 134-бет.

кўрсатув билан чекланиш мумкин эмас. Қабул қилинган қонунларни атрофлича муҳокама қилиш, юртдошларимизнинг уларга муносабатини ифода этадиган таҳлилий материаллар, кўрсатув ва эшиттиришлар, афсуски, жуда кам. Янги қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорларнинг асосий маъносини аҳолига етказиш бўйича самарали механизм яратиш керак”¹⁹.

Таҳлилий материалларнинг сон ва сифат даражасидан ҳам ҳозирда шу йўсиндаги маълумотларни босма оммавий ахборот воситаларида жуда кам учратиш мумкин. Агар учратган ҳолда ҳам, умуман, таҳлилий ёндашувни пайқаш қийин. Шунинг учун ҳам бугундан бошлаб ҳаётимиз маъно-мазмунга бойиши ниятида бўлсак, энг аввало, танқидий-таҳлилий фикрларимизни кенгайтиришимиз ва бу борада, керак бўлса, ҳар бир қадамимизни қатъий тартиб-интизомга олишимиз жоиз.

Таҳлилни ким қилади? Танқидни ким қилади? Албатта, жонкуяр, ватанпарвар, адолатпарвар, жасоратли журналистлар эмасми? Юртимизда барча оммавий ахборот воситаларига кенг имкониятлар ва шарт-шароитларни яратиш борасидаги ишларни янада тезлаштиришни давр талаб этмоқда. Шу жумладан, Конституциямизнинг XV боби оммавий ахборот воситаларига бағишланиб, 67-моддада шундай дейилган: “Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди”²⁰.

Ҳар бир журналист фаолиятида ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири — бу таҳлилий ёндашув билан кузатувчанликни ошириш талаб этиляпти. Кенг маънода айтадиган бўлсак, юртимизда давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти бўлса, оммавий

¹⁹ Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. — Т.: Ўзбекистон, 2017. 9-10-бетлар.

²⁰ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2017. 22-бет.

ахборот воситалари эса тўртинчи ҳокимият бўлиб ҳаётимизга кириб келди.

Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантириш, миллий истиқлол мафкурасини халқимиз, аввало, ёш авлод онгига сингдиришдаги аҳамияти беқиёс. Улар маънавий-маърифий ислохотлар жараёни, бу борадаги муаммоларни, жамият ҳаётининг турли қирраларини тезкорлик билан акс эттирадиган энг самарали воситадир. Тўртинчи ҳокимият ҳисобланган оммавий ахборот воситалари турли хил фикрлар, ранг-баранг қараш ва ёндашувларга кенг йўл очиб бериши, ҳаётимизда юз бераётган янгиланиш ва ўзгаришларга одамларнинг онгли муносабатини уйғотиши, ҳолислик ва ҳаққоният тамойилларига таяниб фаолият юртиши лозим. Бу каби вазифаларнинг амалга оширилишида ОАВнинг роли муҳим.

Давлатимиз томонидан қабул қилинаётган расмий ҳужжатларга таҳлилий муносабатни билдира оладиган, дунёқараши кенг, маънавияти юксак одамгина унинг моҳиятини чуқур англаган ҳолда кенг жамоатчиликка етказа олиши мумкин. Маънавият деганда, биринчи Президентимиз Ислам Каримов қуйидаги фикрларни билдирган: “Маънавият — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”²¹.

Энди бир ўйлаб қарайлик, бугун юртимизда давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим бир расмий ҳужжат қабул қилинса, биз унга эътиборсиз қарасак, ношукр бандага айланиб қолмаймизми? Ахир, биргина қарор кўплаб оғриқли нуқталарга малҳам бўлиши мумкин-ку. Ҳар битта расмий ҳужжатга юртимизда яшовчи барча фуқаро ўзининг муносабатини билдирса бўлади. Бу хусусида давлатимизнинг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонунининг 5-моддасида шундай дейилган: “Очиқлик ва ошкоралик, ҳамма эркин фойдаланиши мумкинлиги ва ҳаққонийлик ахборот

²¹ Каримов И. А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: Маънавият, 2016. 19-бет.

эркинлигининг асосий принципларидир”²².

Демак, битта қарор қабул қилиндими, у қайси бир соҳага тегишли бўлмасин, давлат ва жамият ўртасидаги муҳим бўлган ҳужжат саналади. Бу қарорнинг қабул қилиниши эса, бежиз эмас. Илгари қайсидир жабҳада камчиликлар, муаммолар пайдо бўлган. Ушбу ҳужжат эса худди ана шу муаммоларга чек қўйиш учун қабул қилинади. Барча кишилар ўзининг танқидий-таҳлилий фикрларини кенгроқ баён этишлари мумкин. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, очиқлик ва ошкоралик қатъий тартиб-интизом қонуний ҳужжатларда ҳам белгилаб қўйилган.

Яна бир муҳим жиҳатлардан бири шундаки, бугун юртимизда қабул қилинаётган барча расмий ҳужжатлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари устидан назоратни тўртинчи ҳокимият вакиллари, яъни оммавий ахборот воситалари олиб боряпти. Таниқли журналист Собиржон Ёқубов “Журналистика ва ҳокимият” сарлавҳали мақоласида шундай фикрларни билдиради: “Журналистиканинг “тўртинчи ҳокимият” сифатидаги функцияси ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари қонунчиликка нечоғлиқ риоя этаётгани, халқ томонидан берилган ваколат ва мажбуриятларга қанчалик содиқ қолаётганини назорат қилишга асосланади, яъни оммавий ахборот воситалари қонун чиқарувчи, ижроия ва суд тармоқлари устидан ижтимоий назорат юритади. Мазкур функцияни матбуотнинг демократияни қўриқлаш вазифаси билан ҳам изоҳлаш мумкин”²³.

Шундай экан, тўртинчи ҳокимият вакиллари юртимизда қабул қилинаётган расмий ҳужжатларни таҳлилий ёритишда бирлашиши керак. Яъни, бирлашиш дейилганда, эзгу ғояларни тарқатиш назарда тутилади. Бугунги кундаги камчилик босма оммавий ахборот воситаларида расмий ҳужжатларнинг ёритилишида янгича таҳлилни, муносабатни йўқлигида. Бу

²² ОАВ лари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. — Т.:Ишонч марказ сервис, 2009. 35-бет.

²³ Ёқубов С. Журналистика ва ҳокимият//Тафаккур, 2010 йил, апрель. 83-бет.

борада эса босма оммавий ахборот воситалари ходимлари, вазирлик ва идоралардаги матбуот ва ахборот хизматларида фаолият олиб бораётган хамкасблари билан доимий равишда алоқада бўлиб туриши керак. “Жамоатчилик билан алоқалар ва ахборот хизматлари” китобида шу мавзуга тўхталиб, қуйидаги фикрлар айтилган: “Жамоатчилик билан алоқалар ОАВ сиз амалга ошмайди. Ташкилотлардаги матбуот хизмати ходими етук журналист бўлиши, бинобарин, газета, журнал, радио, телевидение ва ахборот агентликлари ишини ҳам пухта билиши талаб этилади”²⁴.

Таҳлилий муносабат материалларида қабул қилинган расмий ҳужжат билан боғлиқ жиҳатлар кенг ёритилади. Бирор-бир соҳа юзасидан қабул қилинган қарор бўлса, ушбу ҳужжат чиқмасидан олдинги жараёнлар қандай бўлган ва келажак истиқболларда нималар кўзда тутилгани, аҳоли томонидан қандай мурожаатлар келгани ҳақидаги мисоллар, маълумотлар билан таҳлилий материалларни кенгроқ очиб бериш керак бўлади. Агар эътибор бериб қарайдиган бўлсак, битта қарор қабул қилинганидан кейин йиллар мобайнида унинг ижроси таъминланмагани ҳақидаги мурожаатлар айнан фуқаролар томонидан айтилади. Шунда қарор ижроси таъминланмагани учун танқидий-таҳлилий ёндашув билан изланиш мумкин.

Масалан, “Жамият” газетасининг 2019 йил 25 январдаги 3-сонида Шомурод Шараповнинг Уч йилда тўққиз марта “айбдор” сарлавҳали аҳоли мурожаатлари юзасидан тайёрланган танқидий-таҳлилий мақоласи эълон қилинди. Мақолада журналист қуйидаги фикрларни илгари сурган: “Бугун давр шиддат билан ўзгармоқда. Одамларнинг дунёқараши, тафаккури юксаяпти, яшаш, ҳаётга қараш ҳам шунга яраша тус оляпти. Аммо шундай қайноқ ва қизғин паллада ҳам айрим раҳбарлар ўз тўнини ҳануз ўзгартиргани

²⁴ Эшбеков Т. Жамоатчилик билан алоқалар ва ахборот хизматлари. — Т.: Университет, 2017. 4-бет.

йўк”²⁵.

Мақолада давлатимиз томонидан қабул қилинаётган расмий ҳужжатларга панжа ортидан қараётган раҳбарлар танқид қилиб ўтилади. Таҳлилий ёндашувда эса амалга оширилиши керак бўлган ишларнинг ўз вақтида бажарилмаётгани натижасида юзага келаётган муаммолар ёритилган. Жумладан, Президентимизнинг “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига эътиборсиз қараётган раҳбарлар устидан келиб тушган мурожаатлар асосида танқидий-таҳлилий руҳдаги материал тайёрланиб, газетада чоп этилган.

Журналистлар олдидаги вазифалардан бири ҳам адолат мезонларини ўрнатиш. Қабул қилинган ҳар битта расмий ҳужжатнинг ижросини таъминлашдан, давлат ва жамият аъзоларининг бу ҳужжат юзасидаги таҳлилий муносабатларини ўрганишдан иборат. Биринчи Президентимиз таъкидлаганидек: “Ҳақиқат — журналистиканинг доимий, ўзгармас қондаси ва унга амал қилиш шарт”²⁶. Шу боис барча оммавий ахборот воситалари олдида масъулиятли ва шарафли вазифалар турибди.

Таҳлилий муносабат материалларини тайёрлаш ва чоп этишда журналистлар доимо танқидий фикрларини билдирадилар. Бу жараёнлар қонуний ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Жумладан, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 8-моддасида шундай дейилган: “Журналист журналистлик фаолиятини амалга ошириш чоғида шахс дахлсизлиги кафолатидан фойдаланади. Танқидий материаллар эълон қилганлиги учун журналистни таъқиб қилишга йўл қўйилмайди”²⁷.

Қабул қилинаётган ҳар битта расмий ҳужжатларга журналистлар томонидан таҳлилий руҳдаги муносабат материаллари тайёрланиши керак.

²⁵ Шарапов Ш. Уч йилда тўққиз марта “айбдор”//Жамият, 2019 йил, 13 февраль.

²⁶ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. — Т.:Ўзбекистон, 2005. 88-бет.

²⁷ ОАВ фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. — Т.:Ишонч марказ сервис, 2009. 21-бет.

Бунда эса оммавий ахборот воситалари ходимлари кенг жамоатчилик фикрини ўрганади, ҳаттоки расмий ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёнидаги муҳокамаларга ҳам қатнашиши ва ўзининг таклифларини билдириши мумкин. Ёки кўп йиллик ҳаётий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда бирор-бир ҳужжат юзасидан таҳлилий ва танқидий фикрларини ҳам баён қилиши табиий. Таҳлилий муносабат материалларида қабул қилинган расмий ҳужжатларнинг келажак истиқболлари акс этиши лозим. Ҳар бир ҳужжатдан ўрин олган ўзгаришлар ҳақида ҳам айтиб ўтилади.

Босма оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган журналистлар ўта хушёр, кузатувчан бўлиши, давр руҳи билан яшаши керак. Айниқса, таҳлилий материалларни тайёрлашда чуқур ёндашиш, ҳаттоки бир тизимда қабул қилинган кўплаб ҳужжатлар билан ҳам танишиб чиқишга тўғри келади. Давлат ва жамият ҳаётида муҳим бўлган жараёнларни оммавий ахборот воситалари ходимлари доимий равишда кузатиб бориши лозим. Кузатувчанлик борасида “Журналистика ва публицистика” китобида куйидаги жумлалар келтирилади: “Кузатилган оламда барча содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга аниқ баҳо берилса, натижа ҳам кутилгандек бўлади”²⁸. Нафақат журналистлар, балки ҳар бир инсон ҳам шиддат билан ривожланиб бораётган бир даврда кузатувчан бўлса, айти мудао бўларди. Масалан, биргина юртимизда ўтказилган сўнгги Президент сайловида “сайловни кузатиш учун дунёдаги 5 та нуфузли халқаро ташкилот ҳамда 46 та давлатдан 600 нафарга яқин кузатувчи қатнашгани сизларга яхши маълум”²⁹.

Бугун ривожланган мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш ва ҳаётга кенг тадбиқ этиш ўринлидир. Президентимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида шундай фикрларни айтганди: “Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Президентнинг

²⁸ Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. — Т.:Тафаккур, 2011. 196-бет.

²⁹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. — Т.: Ўзбекистон, 2017. 5-бет.

Виртуал ва Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Ҳозирги кунга қадар бир миллиондан ортиқ фуқароларимиз бу қабулхоналар орқали ўзларининг долзарб муаммоларини ҳал қилди”³⁰. Буларнинг натижаси ўлароқ, юртимизда кўплаб расмий ҳужжатлар қабул қилинди. Босма ОАВда ҳам ушбу қонунларни ёритишда кузатувчанлик биринчи ўринда туради. Бу босқичда эса таҳлилий муносабат материалларини тайёрлаш осон кечади.

Қабул қилинаётган расмий ҳужжатлар юзасидан кенг жамоатчилик фикрини билиш муҳим аҳамиятга эга. Айнан шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда босма оммавий ахборот воситаларида ёритилаётган таҳлилий муносабат материалларини тайёрлашда фуқароларнинг фикрини ва расмий ҳужжатларга уларнинг муносабатини ўрганиш лозим. Бу хусусида эса, Юртбошимиз 2018 йил 29 декабрда Парламентга қилган мурожаатномасида шундай деган: “Нияти улугъ халқнинг — иши ҳам улугъ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. Биз демократик ислохотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Қанчалик қийин бўлмасин, фақат олдинга — янги, юксак марралар сари борамиз”³¹.

Кўп ҳолларда аҳоли томонидан расмий ҳужжатларга риоя қилинмаётгани ҳақида мурожаатлар босма ОАВга келиб тушади. Бунда ҳам фуқаролар ўз фикрларини таҳлилий-танқидий руҳда баён қилиш ҳуқуқига эга. Масалан, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасида шундай дейилади: “Ҳар ким, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ОАВда чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошқора баён этиш ҳуқуқига эгадир”³². Албатта, бирор-бир қонунга зид иш қилиндими ёки

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи//www.uza.uz, 2017.

³¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга мурожаатномаси//www.uza.uz, 2018 йил, 29 декабрь.

³² “ОАВ лари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. ОАВ лари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. — Т.:Ишонч марказ сервис, 2009. 6-бет.

фуқаролар ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилдими, унга ўз вақтида чора кўриш керак.

Ҳозирги кунда журналистлар олдида муҳим бўлган вазифалар турибди. Шулардан бири фуқароларнинг манфаатларини ўйлаган ҳолда иш тутишдир. Яъни, юртимизда қабул қилинаётган расмий ҳужжатлар юзасидан олиб борилаётган ишларнинг самарали кечаётганини текшириш. Бу тўғрисида “Босма ОАВ таҳририятлари учун қўлланма”да қуйидаги фикрлар айтилган: “Бугунги кунда республикамызда ҳар бир фуқаронинг, ОАВнинг ва журналистларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар яратган асарларнинг дахлсизлигини таъминлаш ва эркин фаолият кўрсатишлари борасида изчил давлат сиёсати олиб борилмоқда”³³.

Шундай экан, билдирилаётган ҳар бир таҳлилий-танқидий фикрларга чеклов йўқ. Аксинча, ҳақиқат йўлида айтилган сўз ўз натижасини кўрсатади.

Мамлакатимиз тарихида биринчи марта Президентимизнинг Олий Мажлисга қилган мурожаатномасида шундай дейилганди: “Жамиятимиз ҳаётида демократик принципларни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ва таъсирчан омил ҳисобланади. Бу борада чинакам профессионал замонавий журналистикани шакллантириш, хусусан, нодавлат оммавий ахборот воситаларини, ахборот ва таҳлилий интернет сайтларни молиявий қўллаб-қувватлашга эътибор қаратиш, бунинг учун алоҳида давлат фондини тузиш мақсадга мувофиқ. Бугунги кунда юртимизда 1 минг 500 дан зиёд оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда”³⁴. Шиддат билан ривожланаётган замонга эл-юртнинг дардига малҳам бўла оладиган журналистлар керак. ОАВнинг қайси бир туридан қатъи назар, эзгу ниятлар йўлида ҳамманинг мақсади бир. Ватанга хизмат қилиш. Она юртни обод

³³ Босма ОАВ лари таҳририятлари учун қўлланма. — Т.:Ишонч марказ сервис, 2008. 35-бет.

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга мурожаатномаси//www.uza.uz, 2017. 22 декабрь.

этиш.

Шуни айтиш керакки, юртимизда қабул қилинаётган ҳар битта расмий ҳужжат, албатта, ўз ижобий натижасини беради. Унда Ватан равнақи, халқ фаровонлиги мужассам. Бугун барча ОАВ олдида турган муҳим вазифалардан бири, қабул қилинаётган ҳужжатлар мазмун-моҳиятини чуқур таҳлил этган ҳолда халқимизга етказишдек, шарафли ва масъулиятли иш турибди. Бу ишни, албатта, журналистлар сидқидилдан бажариши лозим. Лекин кейинги пайтларда мана шу жараёнлар ҳам ўзини оқламайпти чоғи. Давлатимиз раҳбари бу хусусида тўхталиб шундай деган эди: “Қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказишда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларида битта-иккита мақола ёки кўрсатув билан чекланиш мумкин эмас. Қабул қилинган қонунлар атрофлича муҳокама қилинадиган, юртдошларимизнинг уларга муносабатини ифода этадиган таҳлилий материаллар, кўрсатув ва эшиттиришлар, афсуски, жуда кам”³⁵. Шунинг учун ҳам ҳали халқимизга бирор-бир қабул қилинган ҳужжатнинг моҳиятини тушинтириб бера олмаяпмиз.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи, яъни Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларида: “Оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистларнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш”³⁶ ҳақида сўз боради.

Журналистлар жамиятнинг фаол одамлари ҳисобланади. Уларнинг ҳар бир сўзи, хатти-ҳаракати кишилар кўз ўнгида гавдаланади. Шу боис давлатимиз томонидан қабул қилинаётган ҳар битта расмий ҳужжатлар юзасидан таҳлилий муносабатларини билдириши муҳим. Бу эса ўз навбатида

³⁵ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. — Т.:Ўзбекистон, 2017. 107-бет.

³⁶ Ҳаракатлар стратегияси. Илмий-услубий рисола. — Т.:Маънавият, 2017. 16-бет.

босма оммавий ахборот воситаларида, телевидение, радио, интернет сайтларида ҳам намоён бўлиши керак. Таникли журналист Муҳаммаджон Обидов ўз фикрини қуйидагича баён қилган: “Ҳар қандай жамиятда давлат ҳокимияти органлари қабул қилаётган қарорлар, хусусан, фуқароларнинг қонуний манфаатлари билан боғлиқ ҳужжатлардан аҳолини хабардор қилиб туриш демократиянинг муҳим тамойилларидан ҳисобланади. Чунки бу давлат органлари фаолияти очиқ ва ошкора олиб борилишини таъминлайди³⁷. Бу ёндашув эса расмий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ҳамда кенг жамоатчиликка етказилишида муҳим роль ўйнайди.

Ҳозирга вақтда босма оммавий ахборот воситаларида фаолият олиб бораётган барча журналистлар юртимизда қабул қилинаётган расмий ҳужжатлар юзасидан чуқур ўрганилган таҳлилий муносабат материалларини тайёрлаши керак. Бунда журналистлардан талаб этилаётган жиҳатлар шуки, пухта ўзлаштирилган билимга эга бўлиши, давлат ва жамият ҳаётида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни кузатиб бориш ҳамда таҳлил қилиш кўникмаси шаклланган бўлиши лозим. Шунингдек, таҳлилий муносабат материалларини тайёрлашда ўта зийраклик билан турли соҳаларда фаолият юритаётган малакали мутахассислар билан ҳам маслаҳатлашилса, айти муддао бўларди.

Таҳлилий муносабат материалларини тайёрлашда журналист маҳоратли бўлиши керак. Ҳам сиёсий ҳушёр, ҳам эътиборли бўлиб иш тутиши лозим. Айниқса, тайёрланган таҳлилий материалларининг ишончли ва ҳаётга нечоғлиқ тадбиқ этилганини англаган ҳолда жамоатчилик фикрини ўрганиши муҳим. Бунда эса ҳар битта расмий ҳужжат билан танишиб чиқиши ва бу ҳужжатларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ҳақида ҳам батафсил тўхталиб ўтиши керак бўлади. Бугун юртимизда кенг кўламли ўзгаришлар олиб борилмоқда. Деярли барча соҳаларни тубдан ислоҳ этиш борасида ижобий ишлар амалга ошириляпти. Шундай бир ривожланиш

³⁷ Обидов М. Мен кўрган дунё. — Т.: Янги аср авлоди, 2016. 12-бет.

пайтида ОАВдан бу жараёнларни халқимизга таҳлилий ёндашув билан етказиб бериши талаб этилмоқда. Зеро, шуни айтиш жоизки, босма оммавий ахборот воситаларида янгича таҳлил ва талқинни акс эттирадиган вақт келди.

2.1. Расмий ҳужжатлар ёритилиши “Халқ сўзи” газетаси материаллари мисолида

Ҳаммамизга маълумки, юртимиздаги барча босма оммавий ахборот воситаларидан ўзининг сиёсий ва ижтимоийлиги ҳамда қабул қилинаётган расмий ҳужжатларни деярли ўз вақтида етказиши билан ажралиб турувчи нашр — бу “Халқ сўзи” газетасидир. Ҳар битта хонадонга ушбу нашр, албатта, кириб борган. Давлатимиз томонидан олиб борилаётган ислохотлар, бошқа мамлакатлар раҳбарларининг юртимизга ташрифи ва Президентимизнинг ҳам бошқа мамлакатларга кўплаб расмий ва давлат ташрифларини ёритиб боради. Шу билан биргаликда, ҳар битта қабул қилинган расмий ҳужжат билан барчани хабардор этади. Бошқа бир нашрда фақат ўзининг ихтисослашувига боғлиқ бўлган қарор ёки фармон, қонун ҳужжатларининг матнини кўриш мумкин. Лекин ушбу газетада барча соҳага оид бўлган расмий ҳужжатлар мунтазам равишда бериб борилади. Масалан, иқтисодиёт, тиббиёт, саноат, спорт, санъат, адабиёт ва бошқа йўналишлардаги ислохотларни ҳам қамраб олган.

Газета 1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган. Яъни, мустақилликка эришганимиздан сўнг давлатимиз томонидан амалга оширилган ишлар, ҳар бир соҳани тубдан янгилаш борасидаги ислохотлар ва қабул қилинган расмий ҳужжатларни доимий равишда халқимизга етказиб берган. Агар эътибор бериб қарайдиган бўлсак, бошқа газеталардан кўра ҳали ёш ҳисобланиб, мустақилликка эришганимиздан кейинги босма нашрдир. Бошқа газеталарнинг тарихи эса узоқ йилларга бориб тақалади. Ушбу нашр эса халқимизни сиёсий янгиликлардан хабардор этади. Нашрнинг муассиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Вазирлар Маҳкамасидир. Аудиториясига чеклов йўқ. Негаки, юртимизда яшаётган ҳар битта инсон мамлакат

ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги воқеа-ҳодисаларни, ўзгаришларни билиб бориши керак. Айниқса, қабул қилинаётган расмий ҳужжатларнинг тўлиқ матни ва мавзу юзасидан мутахассисларнинг тушунтириш ишларини мунтазам кузатиши лозим. Шу жумладан, “Халқ сўзи” газетаси юртимиздаги барча сиёсий ва ижтимоий янгиликларни, давлатимиз томонидан қабул қилинаётган ҳар битта расмий ҳужжатнинг тўлиқ матнини бериб борадиган, деярли ҳар куни чиқадиغان ягона нашр ҳисобланади.

Нашрнинг республикаимизнинг барча ҳудудларида вилоят мухбирлари бор. Давлат ва жамият ҳаётидаги воқеа-ҳодисалардан халқимизни хабардор этмоқда. Агар газетани доимо кузатиб борсангиз, ҳар кунги ўзгаришлардан ёки янги бир ҳужжатнинг матнидан хабардор бўласиз. Албатта, бошқа газеталар сингари биринчи саҳифадаги сиёсий янгиликлар, расмий ҳужжатларнинг матни ва иккинчи саҳифага ҳам кўчган. Учинчи ва тўртинчи саҳифаларда эса, ижтимоий аҳамиятга эга мавзуларда материаллар ёритиб борилади. Бошқа нашрлардан фарқли ўлароқ, ҳар кунги расмий ҳужжатлар матни доимий равишда берилади. Агар бир кунда учта ҳужжат бўлса ҳам газетада тўлиқ қўйилади.

Бир қарашда газетадаги узундан-узоқ сиёсий янгиликлар ўқувчига зерикарли бўлиб кўриниши мумкин. Лекин шу кўринишда давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим бўлган воқеа-ҳодисалар акс этади. Фақат бу жараёнлар ўқиганда тушунмай қолинмаса, бўлгани. Сабаби, ўта жиддий газеталарни ўқиш аудитория учун қийин ҳолат ҳисобланади. Айниқса, бир хил қолипдаги материаллар, сўзларнинг бир хиллиги ва такрорланиб келиши шулар жумласидан. Эътибор бериб қарайдиган бўлсак барча ҳужжатларнинг қолипи бир хилга ўхшайди. Фақат соҳавий ва мавзу жиҳатидан ажралиб туради. Ҳужжат матни эса, ҳажман катта бўлиши мумкин.

Газетанинг 2018 йил 20 декабрдаги сонига эътибор қаратадиган бўлсак, Юртбошимизнинг “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги ҳамда “Моддий-маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларининг матни берилган. Бунда ҳам нашрнинг саҳифалари фақат расмий матн билан эгалланганини кўрамиз. Ёки ўтган йилнинг 25 декабрдаги сонида берилган “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун ва шу сондаги яна бир ҳужжат “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг байроғи ва эмблемаси намуналарини тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент Фармонининг тўлиқ матни берилганига гувоҳ бўламиз. Лекин бу ердаги камчилик шундаки, ҳали бирор-бир қарор ёки фармон, қонун матни берилганидан сўнг, унинг ёритилиши ва мазмун-моҳияти, таҳлилий муносабати амалга оширилмай туриб, кейинги ҳужжатларнинг матни берилади. Натижада, кенг жамоатчилик мазкур ҳужжатда нима дейилган, нималар кўзда тутилган, ҳуллас, тушунмай қолиш ҳолатлари кузатиляпти.

Демак, “Халқ сўзи” гезетасида расмий ҳужжатлар матни доимий равишда берилиб борилади, лекин ҳар битта ҳужжат юзасидан таҳлилий муносабат материалларининг деярли йўқлиги, узундан-узоқ жумлалар кўплиги нашрни зерикарли қилиб қўйган. Бироқ бошқа босма оммавий ахборот воситалари ҳам таҳлил-танқид, муносабат материалларини ўз нашрларида бермаяпти. Натижада эса юртимизда қабул қилинган расмий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, уни амалга ошириш механизми, ижро этилиши борасида ҳеч қандай маълумотларни бирорта ҳам нашрда тўлиқ ёки тушунарли ҳолда учратиб бўлмайди.

Газетада журналист Ҳ.Аҳмедовнинг “Ишлар кўлами ҳам, кутилаётган натижалар ҳам улкан” номли materialiда Президентимизнинг 2017 йил 27 ноябрдаги “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури

тўғрисида”ги қарорининг ижроси юзасидан таҳлилий муносабат материали чоп этилган. Унда мазкур қарорда белгилаб ўтилган вазифалар ҳақида айтилиб, шундай дейилади: “Қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олиш нафақат деҳқон маҳорати ва агротехника тадбирлари сифатига, балки табиий омиллар ва яна бошқа юмушларга боғлиқ. Масалан, ер ости сув сатҳи шўрланиш даражаси нисбатан юқори бўлган Оролбўйи минтақасида экинзорларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб, ирригация-мелиорация тармоқларини соз ҳолда сақламасдан туриб, аграр соҳада ижобий натижага эришиб бўлмайди. Шундай экан, Қорақалпоғистон Республикасида сувдан оқилона фойдаланиш, амалиётга тежамкор суғориш технологияларини жорий этишнинг бугунги аҳволи талаб даражасидами? Ирригация-мелиорация тадбирларини ўз вақтида бажариш, экин майдонлари ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш борасида қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?”³⁸.

Ушбу материал қарор ва ижро рукни остида чоп этилиб, муаллиф томонидан фақатгина рақамлар кўрсатилган. Гўёки, бирор-бир ташкилот вакилининг ҳисоботини кўчириб қўйганга ўхшайди. Масалан, “Фаолиятимизда сувни иқтисод қилувчи технологияларни кенг жорий этиш ишларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Мисол учун, 2013-2017 йилларда 207 гектар майдонда томчилатиб суғориш, 6085 гектарда кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш ҳамда 860 гектарда эгатга полиэтилен плёнка тўшаб суғориш технологиялари жорий этилган эди. Президентимиз 2017 йил 15-16 декабрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида берган топшириғи ушбу йўналишдаги ишлар кўламини кенгайтириб юборди. Натижада биргина 2018 йилда 125 гектар майдонда томчилатиб суғориш, 1000 гектарда кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш ҳамда 216 гектар майдонда эгатга полиэтилен плёнка тўшаб суғориш технологиялар татбиқ

³⁸ Аҳмедов Ҳ. Ишлар кўлами ҳам, кутилаётган натижалар ҳам улкан//Халқ сўзи, 2019 йил, 11 апрель.

қилинди”³⁹. Умуман олганда, юқоридаги мазкур жумлалар фақатгина зўрма-зўраки тарзда ёзилганга ўхшайди. Бу дегани номигагина бўлса-бўлди қабилидаги иш ҳисобланади. Қарор юзасидан амалга оширилган ишларнинг рекламаси. Лекин бирор-бир мисол ёки бажарилган ишнинг натижаси ҳақида сўз юритмаган.

Газетада “Муносабат” рукни остида чоп этилган “Ягона тарих, умумий келажак, барқарор юксалиш” сарлавҳали материалда ҳам қуйидаги жумлаларни кўриш мумкин: “Мамлакатимизнинг қўшнилари оддий эмас: қон-қардош, жон-жондош қўшнилари. Тарихларни бирга яратганмиз, маданиятларни бирга қурганмиз. Қайси тилда гаплашмайлик, кундалик мулоқотлар қилмайлик — ҳамиша бир-биримизни тўла тушунганмиз: чунки биз сўзлашиб келган тил оға-инилар тили, бу оға-иниликка юракларимизни оғушта қилганмиз. Зеро, қон-қардошни қадрласак, ардоқласак, Жанубда, Шимолда, Машриғу Мағрибда ҳам барчамизни ардоқлашларини, жаҳон сиёсати майдонида, унинг маънавият ва маърифат ўрамларида бизни ёқлашларини яхши англаймиз”⁴⁰.

Ҳар битта расмий ҳужжатларга билдирилаётган муносабат материалларида аниқлик, гапнинг асл мазмунини очиқ берилиши керак. Лекин юқоридаги материал Президентимизнинг 2018 йил 13 мартдаги “Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида”ги қарори билан боғлиқ эди. Кўриб турганимиздек, материалда қарор юзасидан билдирилаётган таҳлилий ёндашув йўқ. Қабул қилинган расмий ҳужжатларга ҳам чуқур киришилган ҳолда эътибор қаратиш лозим. Шунчаки, юзаки, зўрма-зўраки нарсалар ўзини оқламаяпти. Бугунги кунда барча босма оммавий ахборот воситалари эса мана шу ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказишда ортда қолмоқда.

Газетада биз, қабул қилинган барча расмий ҳужжатларнинг матни

³⁹ Аҳмедов Ҳ. Ишлар кўлами ҳам, қутилаётган натижалар ҳам улкан//Халқ сўзи, 2019 йил, 11 апрель.

⁴⁰ Ғафуров И. Ягона тарих, умумий келажак, барқарор юксалиш//Халқ сўзи, 2018 йил. 15 март.

билан танишамиз холос. Муносабат материаллари ҳам камдан-кам ҳолатларда учрайди. Афсуски, таҳлилий ёндашувлик ҳам ушбу нашрда деярли йўқ. Фақатгина турли хил мутахассислардан олинган мағзи пуч, номигагина чиқарилаётган материалларни ўқишимиз мумкин. Ҳужжатларнинг бугунги кундаги ижроси, амалга ошириладиган механизми эса кўринмайди.

Турли хил соҳалар юзасидан қабул қилинаётган расмий ҳужжатларнинг мазмуни юзасидан фақатгина, шу йўналишдаги мутахассислардан олинган фикрларга асосланиб материаллар тайёрланяпти. Ёки экспертларнинг ўзи ҳужжат юзасидан мулоҳазасини баён қиляпти.

Газетанинг 86-сонида чоп этилган “Болалар ҳуқуқлари бўйича Омбудсман — унинг вазифаси нималардан иборат?” сарлавҳали материалда куйидаги фикрлар қайд этилган: “Юртимизнинг болаларга оид сиёсати Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ва бошқа халқаро ҳужжатларга асосланади. Улар мамлакатимиз Конституцияси ҳамда қонунчилигида акс этади. Унга кўра, болаларнинг таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимояси ва ҳуқуқлари кафолатланади. Келажак авлоднинг жисмоний, интеллектуал ҳамда маънавий ривожланиши учун муносиб шароитлар яратилган. Дунё амалиёти болалар ҳуқуқлари, асосан, уларнинг ёшлиги сабабли тез-тез поймол қилинаётганини кўрсатади. Болаларнинг кўпчилиги овоз бериш ҳуқуқига эга эмас ҳамда судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жиддий муаммоларга дуч келмоқда”⁴¹.

Бир қарашда гап нима ҳақида кетаётганини пайқаш қийин эмас. Аммо муносабат материалида Президентимизнинг “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг тўлиқ очиб берилмаганига гувоҳ бўласиз. Битта расмий ҳужжат юзасидан юзлаб таҳлилий муносабат материалларини тайёрлаш мумкин. Бирок

⁴¹ Алимов У. Болалар ҳуқуқлари бўйича Омбудсман унинг вазифаси нималардан иборат?//Халқ сўзи, 2019 йил, 27 апрель.

газетада берилганидек, ярим варақли жумлада нимани очиб берса бўлади? Ҳаттоки, мақолада ҳам кириш сўзининг ўзи ярим саҳифадан ошади-ку. Бутун бошли расмий ҳужжатнинг мазмунини, моҳиятини қандай қилиб бир-икки жумладан иборат бўлган гапда очиб бериш мумкин?! Ахир, бу фақат газетанинг саҳифаларини тўлдиришдан бошқа илож йўқ қабилидаги сохта материалга ўхшайди. Газетада худди шу қарор юзасидан тайёрланган материални бошқа учратмайсиз.

Журналист Аҳад Муҳаммадиевнинг “Ҳаммаси 1 сўмдан бошланади, кейин миллиардларга айланади” сарлавҳали materialiда ҳам таҳлилий ёндашувликни деярли кўриш қийин. Бу материал Юртбошимизнинг ўтган йил 11 октябрдаги “Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибларини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳақида ёзилган. Материалда шундай дейилади: “Тадбирли киши йўқдан бор қилади, тадбирсиз эса борини ҳам йўқ қилади”. Халқимиз топиб айтган-да, шу гапни. Таассуфки, жойларда ҳамон бўш ётган бинолар, иншоотларни учратасиз. Ваҳоланки, улар қанча одамлар ишли бўлишига хизмат қилиши, иқтисодиёт ривожига ҳисса қўшиши мумкин эди. Шу маънода, бундай иншоотларни фойдали объектга айлантирадиганларни ҳақиқий тадбиркор, десак, арзийди. Мубораклик Комил Раимқулов шундай ишбилармонлардан бири. Тумандаги “Odil Rayimqulov Komilovich” масъулияти чекланган жамиятини бошқараётган тадбиркор 2009 йилда пластик қувурлар тайёрлашни йўлга қўйган эди. Корхонада бу борада яхши тажриба ҳам тўплади. Аммо кимки доимий изланиш, маҳсулот рақобатдошлигини ошириш, истеъмолчилар талабига мос фаолият юритишга эътибор бермай қўйса, замондан ортда қолиб кетиши аниқ. Буни яхши тушунган ишбилармон бўш келмади, ишни янгидан бошлади”⁴².

⁴² Муҳаммадиев А. Ҳаммаси 1 сўмдан бошланади, кейин миллиардларга айланади.//Халқ сўзи, 2019 йил 8 апрель.

Газетада берилаётган расмий ҳужжатлар юзасидаги муносабат материалларининг барчасида шу йўсиндаги ёндашув бор. Фақат расмий тилдаги матн билан нашр чекланипти холос. Таҳлилий материаллар деярли йўқ. Халқчил ёритилиш борасидаги ишлар анча орқада қолиб кетган. Ҳаттоки, муносабатларда ҳам расмий ҳужжатларнинг матнидан олинган сўзлар қўлланилаётганини учратиш мумкин. Содда, мазмунан бераман деб, яна ўша бир хил қолипга тушиб қолиш ҳолати юқори даражада. Фикрлар кетма-кетлиги, изчиллиги бузилган. Ҳужжатда белгиланган вазифалар, олдинги жараёнларда йўл қўйилган хато-камчиликлар ҳақида айтиб ўтилмаган.

Газетанинг ютуқ томонлари шундаки, юртимизда қабул қилинаётган барча расмий ҳужжатларнинг матни мунтазам равишда берилиб борилади. Бошқа босма оммавий ахборот воситаларига ўхшаб, соҳавий танлаб ўтирмайди. Ҳаттоки, ҳали энди муҳокамага қўйилган ҳужжатлардан олинган маълумотлар ҳам бериб борилади. Газетадаги “Фармон ва ижро”, “Қарор ва ижро”, “Менинг фикрим”, “Янги қонун муҳокамада” ва бошқа шу каби рукнлар остида кўплаб расмий ҳужжатлар билан боғлиқ бўлган материаллар берилади. Масалан, нашрнинг 2018 йил 248-сонида чоп этилган “Янги қонун лойиҳалари муҳокамалари тортишувларга бой бўлди” сарлавҳали материалда Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида муҳокамага қўйилган расмий ҳужжатлар билан боғлиқ маълумотлар берилган. Унда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳақидаги масала ҳам депутатлар томонидан атрофлича муҳокама этилгани кўрсатилган. Материалда ёзилишича: “Кейинги пайтда суд-ҳуқуқ соҳасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўйтаборлиси шундаки, бу ўзгаришлар соҳанинг барча жиҳатини, шу жумладан, давлат божи миқдорини мақбуллаштириш ва суд харажатларини суд процессининг барча иштирокчиси ўртасида адолатли

тақсимлаш масалаларини ҳам қамраб олган”⁴³.

Ҳозирги кунда бирор-бир тизимнинг ичида юриб, кўп йиллик тажрибага эга бўлган кишигина соҳада амалга оширилган ишларни таҳлил эта олади. Жумладан, кўплаб давлат ва нодавлат ташкилотлардаги матбуот ва ахборот хизмати ходимлари ҳам. Юқоридаги материал ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати томонидан таҳлилий тарзда тайёрланилган. Ўрганиш жараёни кўплаб кузатишларга асосланган. Умуман олганда, газетада юртимизда қабул қилинган барча расмий ҳужжатларнинг матни бериб борилади. Албатта, бу газета учун ютуқ. Лекин ҳар битта ҳужжатни мазмунан ёритишдаги ишларда камчиликлар бор. Бу тизим ишга тушмас экан, ўқувчи газетадаги узундан-узоқ расмий тилдаги матнларни тушунмайди. Ва ушбу муаммо ҳуқуқий саводхонликнинг шаклланишига олиб келади.

2.2. Расмий ҳужжатлар ёритилиши “Ўзбекистон овози” газетаси материаллари мисолида

Бугунги кунда юртимизда фаолият олиб бораётган барча оммавий ахборот воситалари ўзининг ихтисослашуви, алоҳида йўналиши ва муассисига эга эканлиги жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Шу жумладан, сиёсий партияларнинг нашрлари ҳам.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг наشري бўлган “Ўзбекистон овози” газетаси 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган. Ушбу нашрнинг республикамизнинг барча ҳудудларида вилоят мухбирлари бор. Давлат ва жамият ҳаётидаги воқеа-ҳодисалардан халқимизни хабардор этмоқда. Айниқса, партиянинг ўз олдига қўйган устувор вазифалари ҳамда ҳар бир йил учун қабул қилинган дастурлари бўйича амалга оширилаётган

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати. Янги қонун лойиҳалари муҳокамалари тортишувларга бой бўлди//Халқ сўзи, 2018 йил, 1 декабрь.

ишлари ҳам газета саҳифаларида мунтазам равишда ёритиб борилади.

Агар газетани доимо кузатиб борсангиз, давлат ва жамият ҳаётида ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшаётган кишилар фаолиятдан тайёрланган материалларнинг берилиши ҳамда юртимизда ва дунёда кечаётган сиёсий, ижтимоий жараёнлар қай тарзда олиб борилаётганидан ҳам аҳолини хабардор этишда фаол бўлишини кўриш мумкин. Айниқса, баъзи бир сонларда берилаётган материалларга таҳлилий ёндашилганликни ва аҳоли томонидан таҳририятга келиб тушган мурожаатлар асосида таҳлилий материалларни тайёрланиши ҳам газетанинг ютуқ томонларидан бири. Нашр кўрсаткичи 2018 йилда 6 минг 332 нусхада бўлган бўлса, 2019 йилда 4 минг 480 тага камайган.

Ушбу газетанинг асосий аудиторияси Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари, республикамызда ва маҳаллий ҳудудлардаги ташкилотлар ҳамда қизиқувчиларга мўлжалланган. Бошқа босма оммавий ахборот воситалари ичида ўзининг услуги, материалларнинг ёритиш кўлами ва расмий ҳужжатларни мунтазам равишда бериб бориши билан фарқланиб туради. Ҳозирги кунда газета 8 саҳифадан иборат бўлиб, биринчи, иккинчи саҳифаларда сиёсий материаллар, учинчи, тўртинчи саҳифаларда партия фаолияти билан боғлиқ бўлган мавзуларда тайёрланган мақолалар, бешинчи, олтинчи саҳифаларда аҳоли мурожаатлари юзасидан тайёрланган таҳлилий материаллар ҳамда еттинчи, саккизинчи саҳифаларда ижтимоий аҳамиятга эга мавзуларда мақолалар берилади ҳамда давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан узатилган рекламалар охирги саҳифаларда ўрин эгаллаган.

Газетанинг деярли барча чоп этилган сонларида расмий ҳужжатлар бериб борилади. Унда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президентимизнинг қабул қилган фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан ишлаб чиқилган дастурлар ўрин олган. Бутун бошли саҳифалар ҳажман кўп бўлган расмий ҳужжатлар матни билан тўлдирилган. Нафақат

хужжатлар, балки бошқа материалларда ҳам узундан-узоқ жумлаларнинг кўплигини учратиш мумкин. Расмий хужжатларнинг матни эса асосан биринчи ва иккинчи саҳифаларда чоп этилади.

Газетанинг 2018 йил 6 ноябрь сонида берилган “Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси ҳузурида Тошкент халқаро арбитраж марказини (ТИАС) ташкил этиш тўғрисида”ги ҳамда “Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги Президент қарорларининг матни берилган. Биринчи қарорда юртимизда юқори даражада қулай инвестиция муҳитини шакллантириш мақсадида иқтисодиётни либераллаштириш, сармоядорлар, айниқса, хорижий инвесторлар фаолияти учун қулай ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, халқаро иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилгани ҳақида айтиб ўтилган. Шу жумладан, мазкур қарордаги белгиланган вазифалар ва муаммолар қуйидагича: “Ўзбекистонда бизнес субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишда низоларни ҳакамлик судларида ҳал қилиш механизмнинг жорий этилгани алоҳида аҳамиятга эга. Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари, аввало, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишга, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммолар мавжуд”⁴⁴.

Юқоридаги биринчи қарор матнининг ўзида соҳадаги ҳамма ютуқ ва камчиликлар тилга олинган. Бундан эса журналистлар унумли фойдаланган ҳолда жуда кўплаб таҳлилий муносабат материалларини тайёрлаши мумкин.

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси ҳузурида Тошкент халқаро арбитраж марказини (ТИАС) ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори//Ўзбекистон овози, 2018 йил, 6 ноябрь.

Ёки бўлмаса, иккинчи қарордаги жумлаларга эътибор қаратайлик: “Халқимизнинг қадимий тарихи ва маданий ҳаётини ҳар томонлама кенг ёритиш, номоддий маданий меросимиз бўлган кўп қиррали ўзбек миллий хунармандчилигини кенг намойиш қилиш, унинг ноёб намуналарини тарғиб этиш, шунингдек, ушбу йўналишда ўзаро тажриба алмашиш орқали турли халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, маданий-гуманитар алоқаларни халқаро миқёсда кучайтириш, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган касбий анъаналар ва хунармандчилик мактабларини сақлаш ва қайта тиклаш”⁴⁵.

Ушбу берилган қарорларнинг матнидан ҳам сезиш мумкинки, журналистлар учун жуда кўплаб мавзулар тайёр. Ҳам таҳлилий, ҳам танқидий руҳдаги материалларни ёзса бўлади. Бунинг учун эса ҳар битта расмий ҳужжат билан яқиндан танишиб чиқиш керак. Умуман олганда, “Ўзбекистон овози” газетасида юртимизда қабул қилинаётган кўплаб расмий ҳужжатларнинг тўлиқ матни бериб борилиши билан биргаликда, газетанинг жуда катта майдонини эгаллаб қўяди. Масалан, биринчи, иккинчи ҳаттоки, учинчи саҳифаларда ҳам учратса бўлади. Фақат гап ўқувчи томонидан бу ҳужжатларнинг ўқиб чиқилиши ҳамда ўз муносабатини билдиришида. Аксарият ҳолларда эса худди аудитория вакиллари расмий ҳужжатлардаги мазмун-моҳият билан яқиндан танишганга ўхшайди. Негаки, Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг вакиллари юртимизда қабул қилинаётган ҳар битта ҳужжатнинг тайёрланиш жараёнида иштирок этиши, шубҳасиз. Бунинг яққол мисолини газетада ҳам кўриш мумкин. Лекин гап фақатгина, бир қарор ёки фармоннинг босма нашрларда чоп этилишида эмас, унинг матни, мазмун-моҳияти қай даражада эканига ҳам боғлиқ. Газетани кузатиш жараёнида эса кўплаб соҳа вакиллари томонидан тайёрланган муносабат материалларини кўриб чиқамиз.

⁴⁵ Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори//Ўзбекистон овози, 2018 йил, 6 ноябрь.

Нашрнинг 2018 йил 1 октябрдаги 95 сониди Президентимизнинг “Мақтабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори чоп этилган ва худди шу соннинг ўзида соҳа вакиллари томонидан муносабат шаклидаги материаллар тайёрланган. Мутахассислар томонидан қарорга шундай фикр билдирилган: “Таълим тизими бугун шиддат билан ривожланиб бормоқда. Шу аснода ўқитувчи ва мураббийларга муносабат ҳам, талаб ҳам кучаймоқда. Президентимизнинг жорий йил август ойидаги қарорига биноан бошланғич ва юқори синф ўқитувчиларининг маошлари тенглаштирилди. Янги йилдан бошлаб мутахассис ўқитувчиларнинг оширилган ойлик иш ҳақи миқдори 54 фоизга, олий тоифали педагогларники эса 64 фоизга етади. Айниқса, педагог ходимларнинг намунавий арзон уй-жойлар билан таъминлаш мақсадида узок муддатли имтиёзли кредитлар берилиши барчамизни бирдек қувонтирди. Бундай эътибор ўқитувчиларнинг бор куч-ғайратини ўғил-қизларимизнинг таълим-тарбиясига қаратишга, таълим сифати ва даражасини замон талаблари асосида оширишга, бу соҳада фаолият кўрсатаётган барча фидойи инсонлар учун муносиб меҳнат шароитлари яратилишига олиб келмоқда”⁴⁶.

Билдирилган ушбу фикрни фақатгина биз муносабат дейишимиз мумкин. Лекин, умуман олганда, таҳлилий ёндашувни учратиш қийин. Унинг учун кишида катта маҳорат, ҳаётий тажриба, кузатувчанлик ва албатта, соҳани чуқур билиш керак. Айни пайтда битта мутахассиснинг билдирган муносабатидан жуда кўплаб шу соҳада фаолият юритаётганлар қарорнинг мазмун-моҳияти ва бугунги кунда тутган ўрни қанчалик муҳим эканини билиб олиши, шубҳасиз. Аммо юзаки қаралган фикрларнинг тор доирада ва тарқоқ билдирилиши мавзунини очиб беролмайди. Шунинг учун юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, кишида катта тажриба бўлмаса қийин, экан.

Ҳозирги кунда замоннинг ўзи иқтисод, тиббиёт, спорт, адабиёт-санъат

⁴⁶ Светлана С. Касбим билан фахрланаман//Ўзбекистон овози, 2018 йил, 1 октябрь.

ва бошқа соҳалардаги етук журналистларнинг бўлишини талаб этипти. Агар эътибор бериб қарайдиган бўлсак, битта “Ўзбекистон овози” газетасида эмас, жуда кўплаб босма оммавий ахборот воситаларида турли соҳаларда қабул қилинаётган расмий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини, уни кенг жамоатчиликка етказишдаги муаммоларни кўриш мумкин. Иқтисодиёт масаласи бўйича иқтисодчи журналист бўлиши керак. Айнан бу соҳадаги кишилар шу йўналишда қабул қилинган расмий ҳужжатларни оммага етказишига ишонч бор. Чунки бугун бу масала юзасидан ҳам эътирозлар кўп. Яъни, расмий ҳужжатларнинг матни газетада берилади, лекин мазмун-моҳият, жамиятга етказиш юзасидан ҳеч бир иш тўлиқ амалга оширилмаган.

Газетанинг 2018 йил 20 сентябрдаги сониди юртбошимизнинг “Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони ва “Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларининг матни чоп этилган. Нашрнинг деярли уч саҳифасида ҳам расмий ҳужжатлар матни билан тўлдирилган. Умуман олганда, кейинги сонларида ушбу ҳужжатлар билан боғлиқ бўлган тушунтириш ишлари кам. Ўқувчи ҳам, албатта, бирор-бир ҳужжатнинг матни газетада чоп этилганидан сўнг кейинги сонларини интиқлик билан кутади. Расмий ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ва ундаги вазифалар қай даражада экани, бундан кейин қандай ўзгаришлар юз беришини ўйлай бошлайди. Гўёки, бугун бир қарор ёки фармон қабул қилиндими, унинг тарғиботи фақатгина бир марталик матн билан чекланади холос. Кейинги босқичларда эса ҳеч қандай ишлар амалга оширилмайди.

Билдирилаётган муносабат материалларида янгича талқин, таҳлил, дунё тажрибаси, инновацион лойиҳалар ва бошқа замонавий

технологиялардан фойдаланилмагани ҳам уларнинг кўлами, савияси пасайганини кўриш мумкин. Масалан, айрим газеталар фақатгина саҳифаларини тўлдириш билан банд. Лекин “Ўзбекистон овози” газетаси бундан мустасно деб ҳам айтишимиз қийин. Бошқа бир мутахассис бўладими ёки журналистми, тайёрлаган материалларнинг барчасида таҳлилий ёндашувни деярли учратмаймиз. Масалан, чет муаллифларидан бири Равшан Мақсудовнинг “Олий таълим: сифат ва самара” мавзуида чоп этилган муносабатиде шундай жумлалар бор: “Бугун сон эмас, сифат сўралаётган, аниқроғи, талаб қилинаётган бир пайтда олий ўқув юртлари илмий салоҳияти бош масалага айланди. Чунки фақат илм-фан ривожини воситасида бугун ҳаёт олдимизга қўяётган муаммоларни бартараф этиш мумкин. Бунинг учун аввало халқаро тажрибаларни ўрганиш ва татбиқ этиш, замонавий технологиялардан фойдаланиш, чет тилини билиш, тор қобиқлардан чиқиб, жаҳон таълим ва фан тизимига интеграциялашиш зарур. Дунё илм-фани ютуқларидан хабардорлик, халқаро талаб ва стандартларни қабул қилиш, илм-фан ривожланган марказларда ёшларни ўқитиш, тайёрлаш, ҳамкорликда илмий лойиҳаларда иштирок этиш, жаҳон миқёсида тан олинган олимларни Ўзбекистонга таклиф этиш, уларнинг илмий имкониятларидан фойдаланиш, халқаро илмий журналларда мақолалар эълон қилиш каби долзарб масалалар устида ишлашимиз, тезроқ натижага эришишимиз керак”⁴⁷.

Биргина мана шу муносабат материал юртимизда илм-фан, замонавий таълимни ривожлантиришга қаратилган расмий ҳужжатлар юзасидан тайёрланган. Агар муаллифни соҳа вакили десак, умуман олганда, мавзу кўлами очиб берилмаган. Энди ўйлаб кўринг, мутахассис очиб бера олмаган бир соҳани ўқувчи қандай тушунсин.

Яна муҳим бир масалалардан бири, газетада расмий ҳужжатларнинг

⁴⁷ Мақсудов Р. Олий таълим: сифат ва самара//Ўзбекистон овози, 2018 йил, 27 декабрь.

халқчил ёритилишидир. Бу масалада ҳам кўплаб босма оммавий ахборот воситаларида камчиликлар бор. Бир неча эмас, жуда кўп сонларда бунга гувоҳ бўлиш мумкин. Муаллифлар фармон ва қарорларнинг мазмунини халқчил ва тушунарли бераман деб, яна расмий тилнинг матнини кўчириб қўймоқда. Газетада муносабат, қонун ва шарҳ, қарор ва ижро сингари рукнлар остида расмий ҳужжатларга тааллуқли материаллар тайёрланади.

Нашрнинг 72-сонида “Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни юзасидан материал чоп этилган. Унда аҳолини янада соғломлаштириш ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг зарари ҳақида айтилиб, шундай дейилган: “Авваламбор Қонунда чилим ва электрон сигареталарга нималар кириши аниқ белгилаб қўйилди. Яъни, чилим бу — тамаки чекиш ёки таркибида тамаки бўлмаган чекиладиган қоришмани (тутатқи қиёмни, тутатқи тошни) истеъмол қилиш учун фойдаланиладиган асбоб бўлиб, унда аэрозоль (буғ) ёки тутуқ суюқлик солинадиган идиш (чилим сувдони) орқали ўтади. Электрон сигарета эса — никотинни ёки никотинсиз маҳсулотни етказиш воситаси сифатида фойдаланиладиган, нафас олиб ютиш учун мўлжалланган аэрозоль (буғ) ҳосил қиладиган электрон мосламадир. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти баёнотида кўра, чилим ва электрон сигареталарни мунтазам истеъмол қилиш юрак касалликларига, ўпка ва ошқозон ости беши саратонига сабаб бўлади. Мазкур Қонун асосида жамоат жойларида чилим ва электрон сгареталар чекишни чеклашга доир бешта чора-тадбирлар белгиланди”⁴⁸.

Мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти ва ундаги белгиланган вазифалар ҳам атрофлича қамраб олинмаган. Ушбу тамаки маҳсулотларининг инсон учун нечоғлиқ хавфи борлиги ва умр қисқаришига сабаб бўлаётганини келтириш керак эди. Ёки материаллардаги соҳавий терминларни

⁴⁸ Хайриев Н. Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш//Ўзбекистон овози, 2018 йил, 24 июль.

қўлланилишига ҳам бир эътибор қаратиш муҳим. Бу терминлардан хабари йўқ ўқувчи ҳужжатнинг мазмунига умуман тушунмаслиги мумкин.

Газетада расмий ҳужжатлар юзасидан тайёрланган муносабат материаллар салмоғи кўп. Аммо юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мазмунан ва халқчил ёритиш билан бир қаторда таҳлилий муносабатларга ўтиш ҳолатлари йўқ. Нашрнинг 91-сонида ҳам бунинг ёрқин мисолини учратасиз. Унда Президентимизнинг 2017 йилнинг 1 декабрида қабул қилинган “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони юзасидан “Фармон ва ижро” рукни остида материал чоп этилган. Мазкур ҳужжат хусусида бир қатор мутахассислар ўз фикрларини шундай изоҳлайдилар: “Бу йил ногиронлиги бўлган шахслар учун ажратилган 2 фоизли давлат гранти квоталари асосида кўплаб жисмоний имконияти чекланган шахслар имтиёзли равишда талаба бўлди. Биргина Тошкент давлат юридик университетига 12 нафар ногиронлиги бўлган ёшлар ўқишга кирди. Бироқ тест имтиҳонларини топшириш жараёнида турли кўнгилсиз ҳолатлар кузатилгани ҳам бор гап. Яъни, ногиронлиги бўлганлар табиатан жуда тортинчок, атрофдагилардан ўзини олиб қочадиган бўлади. Уларни юзлаб абитуриент орасида эмин-эркин ҳаракат қилолмасликлари ҳам ҳақиқат. Кўпчилигининг ҳаёлида ҳамма унга қараб тургандек, ачинаётгандек туюлади”⁴⁹.

Аслини олганда, газетада берилган ушбу ҳужжатнинг мазмунан ёритилиши ва билдирилаётган муносабат материални бошқача тайёрласа ҳам бўлди. Таҳлилий қилибми ёки мутахассисларнинг ҳаётий кузатишларини мисоллар орқали келтириш. Бу ҳужжат қабул қилинмаслигидан олдинги ҳоллатларни таққослаши керак ва бундан кейинги ўзгаришлар қандай бўлиши лозимлиги ҳақида батафсил айтиши муҳим аҳамиятга эга.

⁴⁹ Убайдуллаева З. Имконият ва имтиёзлар//Ўзбекистон овози, 2018 йил, 18 сентябр.

Нашрнинг кўплаб сонларида Ўзбекистон миллий ахборот агентлигидан олинган материаллар қўйилади. Лекин буни ўқувчининг ўзи ҳам агентликка интернет орқали боғланиб, ўқиса бўлади. Гўёки таҳририятда материаллар кам бўлгану, фақат бошқа ижтимоий тармоқлардан материаллар олиниб, газетада чоп этилганга ўхшайди. Масалан, нашрнинг 2018 йилдаги 98-сонидан берилган "Мудофаа қурилиши ва қуролли кучларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди", "Йилда муваффақият ва барча макроиктисодий кўрсаткичларга эришиш — муҳим вазифа", "Халқингизнинг меҳри мени Ўзбекистонга тортаверади" сингари материаллар айнан агентликдан олиниб, газетанинг худди шу сонидан босилган. Газетанинг ютуқ томонлари ҳам бор. Таҳририятга аҳоли томонидан келган мурожаатлар асосида таҳлилий материаллар тайёрланади. Айниқса, Тоштемир Худойкулов, Махлиё Аликулова каби журналистлар материалида буни кўриш мумкин. Улар ҳам юртимизда қабул қилинган қайсидир расмий ҳужжатнинг ижроси таъминланмаганини айнан ўз таҳлилий материалларида кўрсатганлар. Лекин бундай таҳлилий ёндашувлар гезетада камдан-кам учрайди. Бунга сабаб ҳам расмий ҳужжатларни ёритишдаги механизм ишга тушмаганидан далолат беради. Шунинг учун 2019 йилдаги сонларда ҳам ўзгариш сезилмаганини кўрса бўлади.

2.3. Расмий ҳужжатлар ёритилиши "Ёшлар овози" газетаси материаллари мисолида

Мамлакатимиз ёшларининг ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги ўзгаришларини ёритувчи "Ёшлар овози" газетаси 1925 йилдан чиқа бошлаган. Дастлаб, "Ёш ленинчи", 2017 йилнинг ўрталаригача "Туркистон" кейинчалик эса "Ёшлар овози" номи остида чоп этиляпти. Ушбу нашрнинг республикаимизнинг барча ҳудудларида вилоят мухбирлари бор. Газета давлат ва жамият ҳаётидаги воқеа-ҳодисалардан халқимизни хабардор

этноқда.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг нашри бўлган газетада фан-таълим, адабиёт-санъат, спорт ва юртимиздаги бошқа соҳаларда кўплаб ютуқларга эришадиган ўғил-қизлар ҳаётидан лавҳалар берилади. Ундан ташқари давлатимиз томонидан қабул қилинадиган расмий ҳужжатларнинг тўлиқ матни ҳамда улар юзасидан тайёрланган муносабат материаллари мунтазам равишда ёритиб борилади. Нашр кўрсаткичи 2018 йилда 11 минг 186 теражда бўлган бўлса, 2019 йилда 21 минг 611 тага кўпайди.

Босма оммавий ахборот воситалари ичида ўзининг тематикаси билан ажралиб турадиган ушбу нашрнинг аудиторияси асосан ёшлардан иборат. Юртимиздаги барча олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида, давлат ва нодавлат ташкилотларда, ҳарбий қисмларда ҳамда Иттифоқнинг республика ва маҳаллий кенгашларида фаолият юритаётган етакчиларга, ходимларга тарқатилади. Газета А-2 форматда бўлиб, ҳафтада икки марта — чоршанба ва шанба кунлари чоп этилади. Биринчи саҳифада сиёсий-ҳуқуқий, иккинчи саҳифада ижтимоий-иқтисодий учинчи саҳифада маънавий-маърифий ва тўртинчи саҳифада адабий-бадиий йўналишдаги материаллар бериб борилади.

Умуман олганда, “Ёшлар овози” газетасининг мамлакатимиз ривожига ва ёшларимизнинг маънавиятини, дунёқрашини кенгайтиришга қўшган ҳиссаси таҳсинга сазовор. Лекин бугунги ахборот ва янги технологиялар асрида янада замонавий ва ҳамма ишда тезкор бўладиган нашрни давр талаб қиляпти. Шу боис ушбу нашрнинг ҳозирги ҳолати ютуқ ва камчиликлари, расмий ҳужжатларни ўқувчига қай тарзда етказадиганини кўриб чиқамиз.

Расмий ҳужжатлар газетада чоп этиладиган кунларда берилиб, асосан биринчи ва иккинчи саҳифаларни қамраб олади. Фақатгина тўлиқ матн шаклида. Масалан, 2018 йилда нашрнинг 2-, 22-, 28-, 53-, 54-, 57-, 67-, 84-, 96-, 99-, 102-, 103-, 114-, 104-сонларида Президентнинг фармон ва қарорларининг тўлиқ матни чоп этилган. Расмий ҳужжатларнинг берилиш

тартиби ҳам шунга боғлиқ бўлади. Яъни, ушбу сонларда йил давомидаги ҳажм жиҳатидан ҳам кенг майдонни эгаллаб олган матн ифода этилган. Бир карашда ўқувчи расмий тилда берилган ҳужжатни ўқиб чиқишга қийналиши мумкин.

Бутун бошли газета саҳифаларини фақат расмий тилдаги материалларнинг камраб олиши ҳам камчилик, албатта. Негаки, нашрда бирор-бир ҳужжат қабул қилингани хусусида айтилиши ҳамда энг муҳим бўлган босқич ушбу матнни ўқувчининг ўқиб чиқиши учун керакли бўлган сўзларни айтишдан иборат. Бироқ газетада ҳар доим ҳам расмий ҳужжатлар берилавермайди. Юртимизда ёшлар ҳаётига тааллуқли бўлган баъзи бир қарор ва тегишли ҳужжатлардан ўқувчини беҳабар қолдириш ҳолатлари кузатилади. Масалан, ўтган йили 13 декабрь куни Давлатимиз раҳбарининг “Ёшларни ватанпарварлик руҳида ва жисмоний тарбиялаш ҳамда чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Лекин газета саҳифаларида ушбу қарор тўғрисида ҳеч қандай маълумот берилмаган.

Аудиторияси фақат ёшлардан иборат бўлган ушбу нашрда расмий ҳужжатларнинг ёритилиши билан боғлиқ бўлган камчиликлар кўп. Жумладан, деярли газета саҳифаларининг ҳаммасида узундан-узоқ расмий ҳужжатларнинг кўплиги ўқувчини зериктириб қўяди. Нашрнинг кўплаб сонларида буни учратиш мумкин. Катта ҳажмдаги материалларда асосан, бир хил такрорланувчи, қолипга солинган жумлалар кўп. Бундай ҳолатларнинг юзага келиши эса газетанинг сифатли чиқишини таъминлай олмайди.

Нашрда камдан-кам ҳолларда расмий ҳужжатларга муносабат тарзидаги материаллар тайёрланади. Агар бўлса ҳам ушбу ҳужжат юзасидан таҳлилий чуқур ёндашилган муносабат материаллари йўқ. Масалан, газетанинг 2018 йил 8 февраль сонидида чоп этилган “Туризм соҳасида янги саҳифа очилди” сарлавҳали материалда бунинг ёрқин мисолини кўриш

мумкин. Материалда шундай жумлалар келтирилган: “Ривожланган мамлакатларда туризм иқтисодиётнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Бежиз эмаски, давлатимиз мазкур соҳага алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича кўшимча ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони соҳадаги кўпгина муаммолар ечимига хизмат қилади. Унга мувофиқ, жорий йил 1 июлдан бошлаб юртимизда электрон кириш визаларини бериш тизими жорий қилинади. Ушбу чора сайёҳларда алоҳида қизиқиш уйғотади. Негаки, бугунги замон кишиси учун вақт ғанимат, қолаверса, инновацион қулайликлар ҳам жуда муҳимдир...”⁵⁰.

Бир қарашдаёқ, ушбу материалнинг мавзу кўлами ва ундаги муаммолар, фактлар, далил-исботлар йўқлигини пайқаш мумкин. Таҳлилий ёндашилмаган. Аслини олганда ҳам муносабат материални соҳа ичида юрган одам ёзган. Энди бир ўйлаб қаранг, агар йўналишдан хабари йўқ киши ёзганида материал қай аҳволга тушарди. Ёки “Муҳим механизм тартибга солинади”, “Нафъинг агар халққа бешакдурур” сарлавҳа остида чоп этилган расмий ҳужжатларга билдирилган муносабатларни айтмаса ҳам бўлади. Булардан шуни пайқаш мумкинки, умуман олганда қабул қилинган бир фармон ёки қарорнинг туб моҳиятини англамаган ва чуқур таҳлил эта олмаган ҳолда киришиш самара бермайди. Таҳлилий муносабат материалларининг тайёрланиш йўлларида фойдаланиш керак. Шунчаки, ҳужжатдан кўчирилиб қўйилган жумлалар ўзини оқламайди.

Битта расмий ҳужжат қабул қилинганидан кейин унинг ёритилиши ва кенг жамоатчиликка етказишда муҳим роль ўйнайдиган материалларни кўпайтириш лозим. Ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинадиган фармон ва қарорларни фақатгина бир ёки иккита материал орқали ёритиб бўлмайди.

⁵⁰ Сайфутдинов Ш. Туризм соҳасида янги саҳифа очилди//Ёшлар овози, 2018 йил, 8 февраль.

Хаттоки, юзлаб, керак бўлса, минглаб мавзуларда баҳслашиш мумкин. Лекин босма оммавий ахборот воситаларида аҳолига тушуниш жиҳатидаги таҳлилий муносабатларнинг камлиги учраб турибди. Баъзи ҳолларда эса, фақат ҳужжатнинг ичидаги халқчил бўлмаган сўзлардан, иборалардан фойдаланишга ўрганиб қолдик. Шу билан бирга, қабул қилинган расмий ҳужжатларни тўлиқ, батафсил нашрларда ёритиб бермаяпмиз.

Газетада чоп этилган “Халқ ишончини қозонишимиз керак” сарлавҳали муносабат материалида шундай дейилган: “Ўн етти йиллик иш тажрибасига эга шифокорман. Соғлиқни сақлаш тизимидаги фаолиятим давомида соҳанинг баланд-пастини кўрдим, кўп нарсани англадим, хулоса қилдим. Аниқ биламанки, инсон саломатлигини тиклаш, қил устида турган ҳаётини асраб қолиш жуда машаққатли вазифа. У тиббиёт ходимидан фидойилик ва жонкуярликни талаб қилади”⁵¹.

Мазкур жумлалар Юртбошимизнинг “Давлат тиббиёт муассасалари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ тайёрланган муносабат материалидир. Кўриб турганингиздек, барча материаллар чуқур таҳлилга эмас, ҳаёлий фантастикаларга асосланган ҳолда ёзилапти. Мана шунинг учун ҳам ўқувчиларда норозилик кайфияти баланд. Янги инновациялар, лойиҳаларни бугун замон талаб қиляпти. Афсуски, бу тизимдаги механизм ҳали ҳам ишга тушмаган. Агар газетада ҳажм бўйича чеклов бўладиган бўлса, нашрнинг ижтимоий тармоқлардаги каналларига ёки интернет сайтида ёритиш мумкин-ку. Юзлаб, хаттоки, минглаб битта расмий ҳужжат юзасидан таҳлилий муносабат материаллари тайёрланса ҳам бемалол кетади. Шунда ўқувчи ҳам қабул қилинаётган ҳужжатларнинг давлат ва жамият ҳаётида нечоғлиқ аҳамиятли эканини англай билади.

Газета расмий ҳужжатларни ўз аудиториясига етказишда янгича

⁵¹ Икромов О. Халқ ишончини қозонишимиз керак//Ёшлар овози, 2018 йил, 15 ноябрь.

механизмни жорий этиши керак. Яъни, фақат саҳифаларда расмий матнларни беришдан кўра, мазмун-моҳият категорияларига амал қилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ҳозирги пайтда эса газетада бир хиллик бор. Янгича руҳдан чекинаётганга ўхшайди. Расмий ҳужжатларни ёритишда фақат уларнинг атрофида айланиш ҳолатини кўриш мумкин. Чуқур таҳлилга эга муносабат деярли йўқ. Мужмал, ҳаммага таниш бир хил сўзлардан фойдаланилади. Бир хил қолипда турганга ўхшайди. Шунинг учун ҳам бу жиҳатларга эътибор қаратиш зарур.

Нашрда “Келажакка сармоя” сарлавҳали муносабат шаклидаги материал чоп этилган. Ушбу материалда шундай дейилган: “Иқтисодий барқарорлик бўлмаган жойда аҳиллик, меҳр-оқибат туйғуларига ҳам путур этиши мумкин. Ахир бир бурда нонга зор бўлган одам қинғир ишга қўл уриши ҳеч гап эмас. Чунки унинг ўй-хаёли жонини сақлаб қолиш, қандай бўлмасин яқинлари қорнини тўйдириш билан банд бўлади. Кескин рақобат авж олган бугунги даврда ҳар бир мамлакат дунё бозоридан муносиб ўрин топишга интилаётгани ҳам бежиз эмас... Президентимиз “Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонни имзолади”⁵².

Эътибор бериб қарайдиган бўлсангиз, деярли барча муносабат материалларининг қолипи бир хил. Худди шакл-шамойил ўзгармас ҳолга келиб қолгандек. Бирорта ҳам расмий ҳужжатга таҳлилий ёндашувни, мутахассислар фикрини, соҳа ичида юрганлар маслаҳатларини учратмайсиз. Ахир, бугунги кунда босма оммавий ахборот воситалари ўзининг ихтисослигидан ҳам чиқиб кетганга ўхшайди. Негаки, ўзининг тизимида қабул қилинган ҳужжатни эмас, бошқа соҳада қабул қилинган ҳужжатни ёритишга хизмат қилади. Гўёки, фақат газета саҳифалари тўлса бўлди деган

⁵² Тўхтамуродов Б. Келажакка сармоя//Ёшлар овози, 2019 йил, 23 январь.

ёд тушунчалар измига киргандек. Лекин сифатсиз материаллар ҳам газетани назардан қолишига олиб келади.

Аввалги қисмларда таъкидлаб ўтганимиздек, ҳар битта расмий ҳужжат ўз-ўзидан қабул қилинмайди. Ишлаб чиқилишидан олдин маълум бир соҳадаги камчиликлар ўрганиб чиқилади. Масалан, Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили 12 октябрда “Ўзбекистон Республикасида халқ табobati соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Биргина мана шу ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини, одамларга қанчалик фойдаси борлиги тўғрисида тушунтириш ишларини ҳам босма оммавий ахборот воситалари кенгрок ёритиши керак. “Ёшлар овози” газетасида худди шу ҳужжатга тегишли бўлган муносабат материали чоп этилган. Материалда шундай дейилади: “Тиббиёт жадал ривожланаётган соҳалардан биридир. Янги дори препаратларини, замонавий техник ускуналар одамлар саломатлиги йўлида хизмат қилаётир. Аммо жаҳон амалиётида турли касалликларни даволашда халқ табobati усулларида ҳам кенг фойдаланилаётгани бор гап. Бу йўналиш юртимизда ҳам азалдан мавжуд. Инсоният тамаддунида ўчмас из қолдирган буюк аллома Абу Али ибн Сино бежиз ўзбек заминидан етишиб чиққани йўқ-да... Тан олиш керак, бугун юртдошларимизнинг халқ табobatiга ишончи бирмунча сўнган. Эҳ-ҳе, сохта табиблар алдовига учраганлар қанча! Мана энди, ушбу фирибгарларнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилади. Қарорда кўрсатилишича, бундан буён халқ табobati аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг қўшимча усули сифатида талқин қилиниб, табиблар лицензия олиши шарт. Қолаверса улар кўрсатган хизматининг сифати ва натижаси учун тиббиёт ходимлари каби жавобгар ҳисобланади”⁵³.

Агар эътибор берадиган бўлсак, қарор ҳақидаги фикр-мулоҳазалардан анча йироқдамиз. На мавзу кўламини очолдик, на ҳужжатни тўғри ёрита

⁵³ Нурузова М. Кўп нарса ўзгаради//Ёшлар овози, 2018 йил, 18 октябрь.

олдик. Умуман, бугунги куннинг энг оғриқли саволи десак ҳам хато бўлмайди. Ўзимизни-ўзимиз алдаётганга ўхшаймиз. Халқимиз ҳам бундай мағзи пуч сўзларни ўқишдан чарчади.

Ҳар бир расмий ҳужжат юзасидан берилаётган таҳлилий муносабат материалларида давлат ва жамият ўртасидаги муҳим бўлган ишларни, ҳужжатда белгиланган вазифалар ва унинг амал қилиш тартиби, муҳлати бўлиши керак. Муносабат ёзилганидан кейин, журналист томонидан қилинадиган иш ҳужжатнинг ижроси қай даражада таъминланганини кузатиб боришдир. Ҳали бирор-бир қарор ёки фармоннинг мазмун-моҳиятини билмай туриб, ишга киришиш ҳам ярамайди. Кўплаб кишилар эса шу босқичда қийналади.

Босма оммавий ахборот воситаларининг кўпчилигида бугунги кунда ёритилаётган расмий ҳужжатларнинг аксариятида мавзу ичида айланиш бўляпти. Унинг ичига кириш ҳолатларини камдан-кам кўраемиз. Газетада “Ҳуқуқий маданият юксалади” сарлавҳали материал чоп этилган. Унда Президентимизнинг жорий йил 9 январь куни имзолаган “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони юзасидан муносабат материали акс этган. Агар эътибор бериб қарайдиган бўлсак, ушбу фармонда таҳлилий ёндашувга эга бўлган мавзулар бор. Бунда бутун бир мутахассислар билан гаплашишга ёки ҳуқуқий тарғибот кунларини ўтказса бўлади. Биз кундалик турмуш тарзимизда доимо кўзимиз билан кўриб гувоҳ бўладиган ҳодисамиз инсонларнинг ҳуқуқий маданияти шаклланмагани билан боғлиқ. Ушбу савол эса барчани қийнаб келади. Газетада чоп этилган материалда шундай дейилган: “Мирсаид йўлини тўсиб, шахсини тасдиқловчи ҳужжат сўраган ички ишлар ходими: “Мен ҳам Ўзбекистон фуқаросиман! — деб унинг айтганини бажармади. Хизмат вазифасини ўтаётган ходим эса босиқлик билан муомала қилиб, маълум сабабга кўра ҳудудда рейд бўлаётганини айтди. Аммо Мирсаид айтганида туриб олди. Ички ишлар ходими қанчалик

вазминлик билан вазиятни тушунтиришига ҳаракат қилса-да, Мирсаид шунчалик ғурурланиб, ўзининг ҳақлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлди...”⁵⁴.

Мана шу биргина муносабат матнига эътибор қаратадиган бўлсак, бошланишида худди эртак айтаётганга ўхшайди. Кейинги ва охири жумлаларда эса битта қарор номи билан якунлаб қўйганига гувоҳ бўласиз. Ўқувчи, умуман олганда, ҳеч нима олмади, десак ҳам хато бўлмайди. Биргина расмий ҳужжатни тушунтириш учун юзлаб материал тайёрлаш мумкин. Тўғри, ўқувчига битта қарорни тушунтирмай туриб кетидан бешта ҳужжат чиқиб туриши ҳеч гап эмас. Лекин бугунги кунда интернетнинг ривожланганидан фойдаланиш ҳам керак-ку. Интернет ҳажмга ҳам, вақтга ҳам энг мукамал йўл. Шунинг учун газетанинг электрон кўринишини ҳам ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Газетада таҳлилий муносабат материалларига ёндашувлик паст даражада. Аудиторига етказилаётган ҳар битта расмий ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, келажак истиқболларини тушунтиришда камчиликлар бор. Асосан муносабат материаллари журналистлар, бошқа соҳа вакиллари, агентликлар томонидан тайёрланилган материаллар берилади. Расмий ҳужжатларнинг ҳаммаси ҳам тўлиқ берилмайди. Ҳар битта ҳужжатга фақат битта муносабат материал чоп этилганини кўриш мумкин. Ундан ташқари мавзу кўлами очиб берилмайди. Фақат мавзу атрофида айланиб юриш ҳолатлари кўп. Бундан шуни пайқаса бўладики, материаллар газета саҳифаларини тўлдиришга хизмат қиляпти. Аудиторияга расмий ҳужжатларнинг асл матни берилади ва тушунтириш ишлари, қарор ёки бошқа ҳужжатларнинг мазмуни жиҳатидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, бу борадаги ишларнинг салмоғи етарли даражада эмас. Расмий ҳужжатларни ёритиш учун газета ходимлари янгича механизмни жорий этиши керак бўлади. Ўшанда таҳлилий муносабат тайёрлашга ўтилади.

⁵⁴ Ваҳобова З. Ҳуқуқий маданият юксалади//Ёшлар овози, 2019 йил, 16 январь.

ХУЛОСА

Ҳар бир давлатнинг ривожланиши учун катта аҳамиятга эга бўлган жиҳат — бу ўша давлат томонидан қабул қилинаётган расмий ҳужжатдир. Унда инсон манфаати, кадр-қиммати биринчи ўринда туради. Турли хил соҳаларнинг янада ўсиши учун айнан мана шу ҳужжат муҳим роль ўйнайди. Ҳаттоки, инсонлар ойлаб, йиллаб ўзининг ҳаётида юз бериши мумкин бўлган воқеа-ҳодисаларни интиқлик билан кутади. Тўғри, уларнинг кўз олдида кўплаб адолатсизликлар тез-тез учрайди. Лекин инсон ҳар доим битта нарса билан яшайди. У ҳам бўлса, умиддир. Бир кун келиб, албатта, амалга ошади, дея ҳаракат қилади. Ана ўша орзуларни рўёбга чиқарувчи кишилар — бу оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳисобланади. Ўз ўрнида ОАВ давлат ва жамият ўртасидаги кўприқдир.

Юртимизда қабул қилинаётган ҳар битта расмий ҳужжатни жамият вакилларига етказиш билан бир қаторда, қонун, фармон, қарорларни нафақат мазмунан, халқчил ёритишда, балки унинг ижроси юзасидан ҳам ўз назорати ва кузатишини олиб боради. Шунинг учун ҳам оммавий ахборот воситалари бежиз тўртинчи ҳокимият дейилмайди.

Телевидение, радио, интернет сайтлари қатори босма оммавий ахборот воситалари ҳам ҳозирги пайтда расмий ҳужжатларни кенг жамоатчиликка етказишда фаол қатнашяпти. Бирор бир соҳа ривожини учун қабул қилинган ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, унда белгиланган вазифалар ижроси таъминланаётгани нашрлар таҳлилий муносабат материалларида акс этмоқда. Лекин бугун давр ўзгача бир шиддат билан ривожланыптики, эскича қолипдан, фикрлашдан, бир хилликдан чекинишни талаб қияпти. XXI асрни ахборот ва технологиялар даври дея номладик. Агар ён-атрофимизга ҳам эътибор берадиган бўлсак, барча соҳаларда янги ёндашув, инновацион технологияларни яратилишини, ишлаб чиқилишини замоннинг ўзи кўрсатиб турибди. Шу жумладан, ҳукуратимиз томонидан ишлаб чиқиляётган ва қабул қилинаётган ҳар битта расмий ҳужжатни кенг жамоатчиликка етказишда

оммавий ахборот воситаларидан янгича талқин, тезкорлик ҳамда халқчиллик билан иш тутиш талаб этилмоқда.

Шунингдек, мазкур битирув малакавий ишимизда юртимизда қабул қилинаётган расмий ҳужжатларнинг ёритилиши ва улар мазмуни юзасидан таҳлилий муносабат материалларининг қай даражада тайёрланиб, босма оммавий ахборот воситаларида чоп этилаётганини ўрганиб чиқдик. Ўрганилган ишлар ва таҳлилий натижалар шуни кўрсатадики:

- бугун босма нашрларда расмий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, унда белгиланган вазифалар ва келажак истиқболлари тўғрисидаги материаллар кам. Агар бўлса ҳам тўпланган маъулумотлар етарли даражада эмас;
- ҳар битта қабул қилинган расмий ҳужжатга билдирилаётган муносабат материаллари пухта ёзилмаган;
- халқчиллик тамойилига умуман риоя қилинмайди;
- баъзи ҳолларда мазмунан бераман деб, яна ҳужжатнинг расмий матнини кўчириб, босиш ҳолати кузатиляпти;
- босма оммавий ахборот воситаларида бир хиллик, яъни қолипга тушиб қолиш муаммоси бор. Нашрларнинг аксариятида фақат Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигидан олинган материаллар қўйилади;
- расмий ҳужжатларни ёритишда нашрлар фақат битта, кўпи билан иккита материал билан чекланыпти;
- учала газетада ҳам қабул қилинган ҳужжатлар мазмуни юзасидан тайёрланган таҳлилий муносабат материаллари деярли йўқ;
- агар ёритишда газета саҳифаларининг ҳажми камлиги инобатга олинса, нега унда гезетанинг электрон кўриниши ёки сайти яхши йўлга қўйилмаган. Ахир, унда материаллар кўлами ва ҳажми бўйича чеклов йўқ-ку. Айнан бугунги кунда катта аудитория ҳам интернетда;
- мамлакат аҳолисига давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим воқеа-ҳодисаларни, қабул қилинган расмий ҳужжатларни етказишда босма

оммавий ахборот воситаларининг тиражи камлик қилади. Натижада эса фуқаролар ўртасида ҳуқуқий-саводхонлик, қабул қилинган расмий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини англаб етмаслик ва унга риоя қилмаслик тушунчалари пайдо бўлади;

— босма оммавий ахборот воситаларида расмий ҳужжатлар мазмуни юзасидан тайёрланаётган таҳлилий муносабат материаллари икки турда олиб бориляпти. Биринчиси, табиий. Яъни бунда журналистнинг узок вақт давомидаги изланишлари, кузатишлари, воқеа жойига бориб ўрганиши, одамлар фикрини сўровномалар орқали билиши, қабул қилинган ҳужжатда белгиланган вазифалар қай тарзда амалга ошириляётганини ўрганиш, ҳамкор ташкилотлар билан ишлаш жараёнида пухта ва ўта муҳим бўлган материалнинг ишлаб чиқиши. Иккинчиси, зўрма-зўраки. Бунда эса бугун бир қарор қабул қилинади ва ўша куни унга муносабат билдирилади. Бу қарорнинг қабул қилинишига нималар туртки бўлди, қандай муаммолар юзага келганди, нималар ўзгариши мумкин, унда қандай муҳим вазифалар белгилаб берилди деган саволларга, умуман, материалда жавоб топа олмайсиз. Факат шу қарорнинг расмий матнидан кўчирилиб, бир-икки жумладан иборат гап билан яқунланяпти;

— расмий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижроси вилоятларда қандай олиб бориляётгани хусусидаги материаллар жуда кам. Вилоят мухбирлари ёритиб бера олмаяпти;

Ушбу битирув малакавий ишимизда кўплаб тадқиқот натижалари давомида қуйидаги таклифларни билдиришни лозим топдик:

— расмий ҳужжатларни ёритишда журналистиканинг олтин қоидаларидан бири бўлган кузатувчанликни ошириш;

— турли соҳалардаги малакали мутахассислар билан доимий равишда ҳамкорлик қилиш;

— газетанинг ижтимоий тармоқдаги каналлари фаолиятини янада ривожлантириш;

- босма оммавий ахборот воситаларининг тиражини ошириш;
- расмий ҳужжатларни кенг жамоатчиликка мазмунан ва тушунарли етказишдаги танловларни журналистлар ўртасида кўпроқ ташкил этиш;
- битта қарор ёки фармон, қонуннинг мазмун-моҳиятини очиқ бериш учун керак бўлса, юзлаб материал тайёрлаш керак;
- ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш;
- расмий ҳужжатларни ОАВда ёритилиши юзасидан ва унда белгиланган вазифалар ижроси таъминланиши жиҳатидан мониторинг марказини ташкил этиш;
- босма оммавий ахборот воситалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш лозим.

Бугун даврнинг ўзи шуни кўрсатадики, иқтисодиёт масалалари бўйича иқтисодчи, тиббиёт соҳаси юзасидан тиббиётчи, ҳарбий йўналишда ҳарбий журналист кадрларни тарбиялаш керак. Расмий ҳужжатларни аҳоли қай даражада тушунгани хусусида сўровномалар ўтказиш лозим. Яна бир муҳим жиҳатлардан бири, маълумотларга қараганда, юртимиздаги барча босма оммавий ахборот воситаларининг умумий тиражи ҳисобланганда мамлакат аҳолисининг атиги 10 фоизига тўғри келар экан. Лекин мана шу кўрсаткичда ҳам расмий ҳужжатларни мазмун-моҳияти бўйича таҳлилий муносабат материалларини тайёрлай олмаяпмиз. Ундан ташқари, қабул қилинган ҳар битта расмий ҳужжат билан кенг жамоатчиликни хабардор этиш борасидаги ва халқчил, мазмунли, таҳлилий муносабатлар билан ёритишдаги ишлар кечикмоқда. Шунинг учун ҳам мазкур тадқиқотимизда олиб борилган изланишлар муҳим аҳамиятга эга.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Расмий адабиётлар:

1. Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 12.12.2002, № 439-ІІ.
2. Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги Фармони.
3. Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги қарори.
4. Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 мартдаги қарори.
5. Давлат тиббиёт муассасалари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 8 ноябрдаги қарори.
6. Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибларини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги фармони.
7. Ҳаракатлар стратегияси. Илмий-услубий рисола. — Т.:Маънавият, 2017. 243-б.
8. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги Фармони.

9. Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 24.04.1997, № 402-I.
10. Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июлдаги Қонуни.
11. Мирзиёев Ш.М. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табриги//www.uza.uz, 2017 йил, 27-июнь.
12. Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 октябрдаги қарори.
13. Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги Фармони.
14. Оммавий ахборот воситалари тўғрисида (янги таҳрири). Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. ЎРҚ-78-сон, 15.01.2007.
15. Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. — Т.:Ишонч марказ сервис, 2009. 210-б.
16. Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 декабрдаги Қонуни.
17. Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида. Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 сентябрдаги қарорлари.
18. Ёшларни ватанпарварлик руҳида ва жисмоний тарбиялаш ҳамда чақирувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрдаги қарори.
 19. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.:Ўзбекистон, 2017.
 20. Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони//www.uza.uz, 2019 йил 5 январь.
 21. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи// www.uza.uz, 2017.
 22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга мурожаатномаси//www.uza.uz, 2017 йил, 22 декабрь.
 23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга мурожаатномаси//www.uza.uz, 2018 йил, 29 декабрь.
 24. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги қарорлари.
 25. Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси ҳузурида Тошкент халқаро арбитраж марказини (ТИАС) ташкил этиш тўғрисида. Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 ноябрдаги қарорлари.

26. Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун кулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги Фармони.
27. Ўзбекистон Республикасида халқ таъбири соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 октябрдаги қарори.
28. 2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги қарори.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти ва Президенти асарлари

1. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир. — Т.:Ўзбекистон, 2015. 302-б.
2. Каримов И.А. Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан//www.uza.uz, 2010 йил, 12 ноябрь.
3. Каримов И.А Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.:Маънавият, 2016. 173-б.
4. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайдди. — Т.:Ўзбекистон, 2009. 33-б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. — Т.:Ўзбекистон, 2017. 592-б.
6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. — Т.:Ўзбекистон, 2017. 28-б.
7. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. — Т.:Ўзбекистон, 2017. 28-б.

Асосий адабиётлар:

1. Абдуазизова Н. Мустақил Ўзбекистон журналистикаси тарихи. — Т.: Академия, 2007. 399-б.
2. Ҳамдамов Ю. Тараққиёт мезони. — Т.: Ўзбекистон, 2013. 215-б.
3. Ҳудойкулов М. Журналистика ва публицистика. — Т.: Тафаккур, 2011. 286-б.
4. Мўминов Ф. Нурматов А. Жаҳон журналистикаси тарихи. — Т.: Фан ва технология, 2008. 327-б.
5. Настеренко Ф. Маматова Я. Ҳуқуқий журналистика: кеча ва бугун. — Т.: Университет, 2011. 171-б.
6. Тошалиев И. Абдусатторов Р. Оммавий ахборотнинг тили ва услуги. — Т.: Зар қалам, 2006. 246-б.

Мавзуга оид қўшимча адабиётлар:

1. Эшбеков Т. Жамоатчилик билан алоқалар ва ахборот хизматлари. — Т.: Университет, 2017.
2. Луғат — маълумотнома. Журналистика, реклама, публик рилейшнз — Т.: Зар қалам, 2003. 399-б.
3. Мирсоатова М. Интернет-журналистика ва анъанавий ОАВ ҳамкорлиги. — Т.: Олимпия умидлари спорт клуби, 2014. 257-б.
4. Обидов М. Мен кўрган дунё. — Т.: Янги аср авлоди, 2016. 290-б.
5. Сайибназаров А. Бугунга кўчаётган келажак. — Т.: Тафаккур, 2015. 202-б.

Босма оммавий ахборот воситалари нашрлари:

1. “Халқ сўзи” газетасининг 2018-2019 йилдаги таҳламлари.
2. “Ўзбекистон овози” газетасининг 2018-2019 йилдаги таҳламлари.
3. “Ёшлар овози” газетасининг 2018-2019 йилдаги таҳламлари.
4. “Миллий тикланиш” газетасининг 2018-2019 йилдаги таҳламлари.
5. “Жамият” газетасининг 2018-2019 йилдаги таҳламлари.

6. “Тафаккур” журналининг 2010, 2018-2019 йилдаги тахламлари.

Интернет манбалари

1. www.Lex.uz
2. www.ziyonet.uz
3. www.google.uz
4. www.senat.gov.uz
5. www.xs.uz
6. www.uzbekistonovozi.uz
7. www.yoshlarovozi.uz
8. www.uza.uz